

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ

«Сервис ва туризм» факультети

«Халқаро туризм ва туризм сервиси» кафедраси

**«Ҳимояга тавсия этилди»
“Халқаро туризм ва туризм
сервиси” кафедраси мудири,
и.ф.н. Р.С.Амридинова**

Баённома № 10 2014 й. 26 май

**5811700 - «Туризм ва меҳмонхона хўжалиги сервиси»
*таълим йўналиши***

**ТМС-110 гуруҳ талабаси Шаропов Омоннинг
“Туризмда меҳмондустлик индустриясини барқарор
ривожлантириш йўллари(Ўзбекистоннинг туризмсоҳаси
мисолида)” мавзусидаги**

**БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ
ИШИ**

Илмий раҳбар профессор Тухлиев И.С.

САМАРҚАНД – 2014

МУНДАРИЖА

Кириш.....	5
1.БОБ.ТУРИЗМ СОҲАСИДА МЕҲМОНДЎСТЛИК ИНДУСТРИЯСИ РИВОЖЛАНИШИНИНГ НАЗАРИЙ ЖИҲАТЛАРИ.....	8
1.1.“Туризм индустрияси” ва “туризм” тушунчаларига берилган таърифлар	
1.2. Туризмда меҳмондўстлик индустриясининг мазмун ва моҳияти	
2.БОБ.ЎЗБЕКИСТОНШАРОИТИДА МЕҲМОНДЎСТЛИК ИНДУСТРИЯСИНИРИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ХОЗИРГИ АҲВОЛИ.....	19
2.1. Ўзбекистон туризм соҳасида меҳмондўстлик тамойиларини ривожлантириш	
2.2.Жаҳон меҳмондўстлик индустриясининг ривожланиш тенденциялари	
3. БОБ.ТУРИЗМДА МЕҲМОНДУСТЛИК ИНДУСТРИЯСИНИ БАРҚАРОР РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛЛАРИ.....	30
3.1Меҳмондустлик индустрияси тизимига кирувчи меҳмонхоналар самарадорлигини аниқлаш йўллари	
3.2.Меҳмондустлик индустрияси сифатида Ўзбекистонда экотуризмни ривожлантириш йўллари	
3.3.Туристларнинг ҳаёти хавфсизлигини таъминлашга қаратилган суғурталаш жараёнлари	
Хулоса ва таклифлар.....	65
Фойдаланган адабиётлар	
Иловалар	

Кириш

Мавзунинг долзарблиги.Меҳмондўстлик ва туризм индустрияси иқтисодиётнинг жадал ривожланиб бораётган тармоқларидан бири бўлиб ҳисобланади. Ҳозирги вақтда меҳмондўстлик ва туризм индустрияси улушига жаҳон ялпи миллий маҳсулотининг 5%и тўғри келади. 2012 йилда халқаро туристларнинг ташрифи 1035 млн. га етди, халқаро туризмдан олинган даромадлар 1.2 трлн долларни ташкил қилмоқда.

Глобал иқтисодий инқироз меҳмондўстлик ва туризм индустриясининг ривожланишига ўзининг таъсирини ўтказди. 2009 йилда туристларнинг халқаро ташрифи 2008 йилга нисбатан 5%га қисқарди, халқаро туризмдан келадиган даромадлар эса 9%га камайди. Меҳмондўстлик ва туризм хизматларининг ички бозорини ривожлантириш янада муҳим вазифага айланди чунки, мазкур хизмат турлари минтақани ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга аҳамиятли даражада ўз таъсирини ўтказмоқда. Сўнги йилларда меҳмондўстлик ва туризм индустриясида катта ўзгаришлар юз бермоқда. Меҳмонхона ва туризм хизматларини диверсификациялаш, янги ҳудудларда меҳмонхона ва туризм индустриясини ривожлантириш, кескинлашиб бораётган рақобат кураши турли мамлакат ҳукуматларини меҳмондўстлик ва туризм индустриясини ривожлантиришга ўз муносабатларини қайта кўриб чиқишга ва мазкур тармоқни ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқишга тизимли ёндашувга мажбур қилмоқда.

«Узбектуризм» Миллий компаниясининг маълумотларига кўра кейинги йилларда республикамизга ташриф буюраётган туристлар сони сезиларли даражада ошмоқда. Ўзбекистонга 2013 йилда 1977600 нафар хорижий туристлар ташриф буюрди, 2012 йилга таққослаганда туристик хизматларнинг умумий ҳажми қарийб 16 % га, хизматлар экспорти эса 9 %га ошди. 2014 йил бошида республикада фаолият кўрсатувчи туристик ташкилотлар сони 900 тага етди, шу жумладан 400 та меҳмонхона хўжалиги ва 500 та туристик компаниялардан иборат. Ушбу ижобий кўрсаткичлар Ўзбекистон шароитида меҳмондўстлик ва

туризм индустриясини янада ривожлантиришга барча асос борлигидан далолат беради.

Битирув малакавийишининг максоди иқтисодийни модернизация қилиш шароитида меҳмондўстлик индустриясини барқарор ривожлантириш бўйича назарий ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Қўйилган мақсадни амалга оширишда қўйидаги **масалалар** кўриб чиқилди:

- “туризм индустрияси” ва “туризм” тушунчаларига берилган таърифлар;
- туризмда меҳмондўстлик индустриясининг мазмун ва моҳияти;
- Ўзбекистон туризм соҳасида меҳмондўстлик тамойиларини ривожлантириш;
- жаҳон меҳмондўстлик индустриясининг ривожланиш тенденциялари;
- меҳмондўстлик индустрияси тизимида кирувчи меҳмонхоналар самарадорлигини аниқлаш йўллари;
- меҳмондўстлик индустрияси сифатида Ўзбекистонда экотуризмни ривожлантириш йўллари;
- туристларнинг ҳаёти хавфсизлигини таъминлашга қаратилган суғурталаш жараёнлари

Тадқиқотнинг объекти сифатида Ўзбекистон туризм соҳасига кирувчи туристик корхоналар ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети иқтисодийни модернизация қилиш шароитида туризм бозорида меҳмондўстлик индустрияси фаолиятини ривожлантириш жараёнларининг назарий ва амалий асослари билан боғлиқ ижтимоий ва иқтисодий муносабатлар тизимидан иборат.

Тадқиқот методлари. Иқтисодий ва бошқарув жараёнларини тадқиқ этиш, қиёслаш, тизимли ёндашув, мантиқий статистик таҳлил, ижтимоий сўровнома ва эксперт баҳолаш усуллардан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг назарий-услубий асоси. Битирув малакавий ишида Ўзбекистон Республикаси қонунлари, мамлакатимиз Президенти И.А.Каримов асарлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, Ўзбекистон

Республикаси Молия вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси, «Ўзбектуризм» Миллий компанияси, Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг меъёрий ва йўриқ ҳужжатлари, шунингдек, тадқиқот ишида мамлакатимиз ва хорижий иқтисодчи олимларнинг мавзу доирасидаги илмий ишлари, тавсиялари ва уларда қўлланилган услубий тамойиллар асос қилиб олинди.

Битирув малакавий ишининг тузилиши кириш, учта боб, хулоса, фойдаланган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Унинг ҳажми 71 бетдан иборат бўлиб, 4та жадвал, 5 та харита ва 16 та расмдан иборат.


1.БОБ.ТУРИЗМ СОҲАСИДАМЕҲМОНДЎСТЛИК ИНДУСТРИЯСИ РИВОЖЛАНИШИНИНГ НАЗАРИЙ ЖИҲАТЛАРИ

1.1.“Туризм индустрияси” ва “туризм” тушунчаларига берилган таърифлар

Бутунжаҳон туризм ташкилотининг (БТТ) маълумотларига кўра, ҳар йили туристлар сонининг 7% га ўсишини ҳисобга олганда, 2012 йилда туристлар сони бир миллиардга етиши маълум бўлди. Дунё аҳолиси 7 миллиард кишини ташкил этганлиги сабабли, ички туризмни ҳам ҳисобга олган ҳолда сайёрамиз аҳолисининг қарийб ярми ҳар йили бевосита туризм бизнесига жалб этилади. БТТ тахминларига кўра, яқин ўн йилликларда туризм ҳажмининг ўсиш суръатлари сақланиб қолиб, 2020 йилга келиб, халқаро туристик ташрифлар сони 1,5 миллиардни ташкил этиши керак эди. Аммо 2008 йилда бошланган жаҳондаги молиявий-иқтисодий инқироз туфайли ҳар йилги туристлар сонининг камайиши кузатилмоқда. Лекин Ўзбекистондаги сиёсий барқарорлик ва иқтисодий моделнинг афзаллиги туфайли ҳозирги пайтда хизмат кўрсатилган туристлар сони ва шундан хорижий туристлар сони ҳам ўсиб бормоқда. Ўзбекистондаги туризм соҳасининг 2003-2012 йиллар давомидаги ривожланиш динамикасини «Ўзбектуризм» Миллий компаниянинг статистик маълумотлари кўрсатиб турибди (1.1-расм).

Бугунги кунда «туризм индустрияси» тушунчасининг кўплаб таърифлари мавжуд бўлиб, бундай таърифлардан энг ишончли ва мукамалроқларидан бири БМТ нинг 1971 йилда ўтказилган савдо ва тараққиётга бағишланган анжуманида берилган эди¹. Ушбу анжуманда эътироф этилганидек, туризм индустрияси туристлар эҳтиёжини қондириш учун туристик маҳсулотлар яратишга йўналтирилган турли фаолиятлар йиғидисидан иборат.

¹<http://www.un.org>



Ҳозирги кунда фаол истеъмолчи ўзига керакли хизматлар ҳақида индивидуал тасаввурини шакллантиради ва бу тақлифга бевосита таъсир ўтказади. Натижада туризм индустрияси ўз таркибини ўзгартириб, янги, замонавий туристнинг хоҳиш-истаклари ҳисобга олинган туристик-рекреацион объектларни яратади ҳамда туристларга хизмат кўрсатиш соҳасига яшаш тарзининг қулайлиги ва кўрсатилаётган хизматларнинг юқори сифатлилигини, оригиналлилигини таъминлаш учун зарур бўлган янги фаолият турларини жалб этади. Бу эса, ўз навбатида, инфраструктурани ташкил этувчи муҳит ва ресурслардан интенсив фойдаланишга ҳамда авваллари туристик ҳисобланмаган янги ресурсларни (қишлоқ, экологик туризм) муомалага жалб этишга ундайди. Туризм индустрияси мавжуд ресурслардан шунчаки фойдаланиб қолмасдан, балки муҳитга нисбатан ўз индивидуал талабини шакллантириб, ўзаро таъсир характерини ўзгартиради.

Туризм ёрдамида хордиқ чиқариш, таълим ва бизнес, дин ва спорт соҳаларидаги қизиқишларини қондириш истаги, асосийси бу борада қулай имкониятларнинг мавжудлиги замонавий жамиятнинг шахсий истеъмоли

таркибини жиддий ўзгартириб юборди, бу эса БТТ² тадқиқотларига кўра, туристик саёҳатларнинг биринчи ўринда туришини белгилайди. Бироқ шуни таъкидлаш лозимки, мазкур маълумотлар ҳамда талабнинг ТРХ таклифларига таъсирини тадқиқ қилиш амалиёти асосан Ғарбдаги иқтисодий ривожланган мамлакатларга дахлдордир. Россияда чоп этилган адабиётларда туризм соҳасидаги бозор муносабатларининг шаклланиш жараёнларига хорижий давлатларнинг илғор тажрибаларини кўллаш ҳақида сўз юритилади³ ва юртдошларимиз Н.Тухлиев⁴, М.Қ.Пардаев⁵, И.С.Тухлиев⁶, Ф.К.Камилова⁷, Т.Т.Ташмурадов⁸, Б.Х.Тураев⁹, О.М.Хамидов¹⁰, Д.К.Усманова¹¹ каби мутахассисларнинг ишлари замонавий ўзбек истеъмолчиларининг ўзига хос хусусиятларини ўрганишга бағишланган.

Ҳозирги пайтда туризм таърифига ҳам турли хил ёндашувлар мавжуд. Мисол учун, В.И.Азар бу тушунчани «Туризмга алоҳида бир давлат миллий хўжалиги чегараларида ёки жаҳон хўжалиги миқёсидаги муайян унсурлар ўртасидаги турли алоқалари мавжуд бўлган йирик иқтисодий тизим сифатида караш лозим», деб таърифлайди¹².

Н.И.Кабушкин ҳам туризмни «инсонни саёҳат давомида юзага келадиган муносабатлар мажмуи ва узаро алоқа ҳамда ходисалар бутунлиги» сифатида таърифлаб, юқорида келтирилган фикрга яқин таъриф беради¹³.

²Глобальные прогнозы развития туризма до 2000 года и в последующий период. Мир в целом. Мадрид: ВТО, 1994.- 143 с.

³Саттрунова В.Б. Туризм: Эволюция, структура, маркетинг, - М.: «Ось-89», 1998. – 160 с.

⁴Тухлиев Н., Абдуллаева Т. Основы безопасности в туризме. Т.: Гос.науч.изд-во Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2008. – 367 с.

⁵ Пардаев М.Қ.Туризм асослари. Маъруза матни. Самарқанд, 2006.– 76б.

⁶Тухлиев И.С., Қудратов Ғ.Х., Пардаев М.Қ. Туризмни режалаштириш. Дарслик. – Т.: “Иқтисод-молия” нашриёти. 2010. – 238 б.

⁷Камилова Ф.К. Халқаро туризм бозори. Ўқув кўлланма. Т.: ТДИУ 2007. – 192 б.

⁸Ташмурадов Т.Т. Методика определения состава и структуры себестоимости туристско-экскурсионных предприятий. Т.: ТашГУ. 1993.

⁹ТураевБ.Х.Организационно-экономические механизмы регионального туризма. Монография. Т.: Фан, 2009. – 154 с.

¹⁰Хамидов О.М. Выбор конкурентной стратегии предприятия на рынке туристических услуг Узбекистана: Дис....канд.экон.наук -С: СамИСИ, 2006. -155 с.

¹¹Усманова Д.К. Особенности формирования туристского продукта и перспективные направления его развития. Дис....канд.экон.наук.– С.: СамИСИ, 2009.– 157с.

¹² Азар В.И., Туманов С.Ю. Экономика туристского рынка. - М.: ИПКГ, 1998.–С. 7-8.

¹³ Кабушкин Н.И. Менеджмент туризма: Учебник. 4е изд., стереотип. Мн.: Новое знание, 2004. – С. 35-36.

М.А.Жукова илмий адабиётларда туризм тушунчасига тугал таъриф йўқ, деган хулосага келади. Унинг таҳлилига кўра, бугунги кунда туризм тушунчасига нафақат турли хил талқинлар берилмоқда, балки бирини иккинчиси билан қиёслаб бўлмайдиган кўпгина ходисаларни ҳам қўшиб юбориш ҳолатлари кузатилмоқда, жумладан, маҳаллий тармоқлар ва жаҳон иқтисодиёти соҳалари ҳам шу тизимга киритилмоқда. Бир гуруҳ олимлар туризмни иқтисодий ходиса сифатида туристик тур тушунчаси, яъни туроператор ва турагентликлар фаолияти билан боғлайдилар. Бу нуқтаи назарга россиялик баъзи мутахассислар ҳам қўшилишади ва «ташкилотларнинг айрим қисмигина фақат туристлар учун мўлжалланган товар ва хизматларни ишлаб чиқаришга ихтисослашган», деб таъкидлайдилар¹⁴. Бундай фикр тарафдорлари туризмни алоҳида соҳа сифатида ажратиш зарурияти йўқ, деб ҳисоблайдилар. Реал амалиётдан келиб чиқсак, бу нуқтаи назар бизнинг мамлакатимизда ҳам ҳукм сурмоқда. Аммо таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикасида мавжуд умумдавлат фаолият турлари бўйича хизматлар классификаторининг «Фаолият турлари бўйича маҳсулот классификатори»¹⁵ да туризм нафақат халқ хўжалигининг алоҳида тармоғи сифатида қаралмайди, балки иқтисодиёт соҳасининг ёки тармоқларининг мустақил комплекси сифатида ҳам ажратилмайди. Бунинг натижасида АҚШ, Франция, Италия, Испания, Канада, Хитой ва Туркиядан фарқли ўлароқ, Ўзбекистонда туризмни бошқаришнинг ягона тизими ва аниқ статистикаси мавжуд эмаслиги маълум бўлмоқда. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1999 йил 20 августда қабул қилинган «Туризм тўғрисида»¹⁶ги Қонуни асосида «Турист – жисмоний шахснинг доимий истиқомат жойидан соғломлаштириш, маърифий, касбий-амалий ёки бошқа мақсадларда борилган жойда (мамлакатда) ҳақ тўланадиган фаолият билан

¹⁴ Жукова М.А. Менеджмент в туристском бизнесе: учебное пособие. 2-е изд., стер. М.: КНОРУС, 2006. – С. 16-17.

¹⁵ Общегосударственный классификатор услуг Республики Узбекистан, утвержден и введен в действие постановлением Агентства «Узстандарт» от 12 мая 2006 года, № 05.

¹⁶ Ўзбекистон Республикасининг «Туризм тўғрисида»ги қонуни//«Халқ сўзи» газетаси, 1999 йил, 14 сентябр.

шуғулланмаган ҳолда узоғи билан бир йил муддатга жўнаб кетиши (саёҳат қилиши)», деб белгиланган. Ҳозирги пайтда Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси томонидан ушбу қонун лойихаси қайта кўрилмоқда.

Туризм кўпгина мамлакатлар иқтисодиётининг муҳим таркибий қисми бўлиб, у маҳаллий аҳоли бандлигини, меҳмонхона ва отелларни тўлдириш, ресторан, томоша тадбирлари, чет эл валютасининг келиб тушишини таъминлайди. Туризмнинг ички иқтисодий табиати турист ташриф буюрган мамлакатда ўз маблағини, албатта сарфлаб кетишини тақозо этади. Туризм маҳаллий туристик ресурслар эксплуатациясига асосланади ва бунинг эвазига шу минтақа ёки мамлакат фойда олиши керак бўлади. Шунинг учун турист ташриф буюраётган мамлакатнинг ҳеч бир манбасидан маош олиши мумкин эмас, деган фикр кўплаб мамлакатлар ва олимлар томонидан қайд қилинган. Давлат иммиграцион хизматлари ишчи кучи оқимидан хавотирланади ва фақат маҳаллий меҳнат ресурсларининг етишмаслик ҳолларидагина ёки махсус (масалан оғир, зарарли, ифлос) ишларни бажара оладиган муайян соҳа мутахассислари йўқлигида махсус лицензия асосида чет эллик ишчиларни ёллашга рухсат берилади. Шунинг учун туристларга маош олиш мақсадида ишлаш ман этилади ва бу нарса мамлакатга киришга рухсат берувчи ҳужжат (виза)ларда кўрсатилади. Масалан, Австралия визасида бу мажбурият аниқ қилиб ёзиб қўйилган: «ҳақи тўланадиган иш ёки ўқиш ҳуқуқсиз».

Россия туризм Академияси вице-президенти М.Б.Биржаков туризмни кўйидаги фаолият турларидан иборат, деб ҳисоблайди:

- аниқ туризм мақсадлари билан белгиланган махсус оммавий саёҳат тури, бевосита туристлар томонидан амалга ошириладиган фаолият;
- бундай саёҳатларни ташкиллаштириш ва амалга ошириш (кузатиб бориш) фаолияти. Туристик фаолият туризм индустрияси ва унга яқин соҳалар корхоналари томонидан амалга оширилади¹⁷.

¹⁷Биржаков М.Б. Введение в туризм. – Издания 9-е переработанное и дополненное. – Спб.: «Издательский дом Герда», 2007. – 576 с.

Туризмга берилган юқоридаги таърифлардан кўринадики, «туризм», «туристик фаолият» ва «туристик индустрия» каби тушунчалар ўртасидаги фарқни ифодалаб бериш анча мураккаб масала экан.

Туризм соҳасидаги атамалар муаммоси халқаро ташкилотлар диққатини ҳам ўзига тортади. Манилада 1981 йилда қабул қилинган жаҳон туризми ҳақидаги декларацияда кўрсатилишича, «Туризм давлатларнинг ижтимоий, маданий, маърифий ва иқтисодий соҳаларига ва уларнинг халқаро муносабатларига бевосита таъсир кўрсатиши жиҳатидан халқлар ҳаётида муҳим рол ўйнайдиган фаолият сифатида тушунилади».

1981 йилда Бутунжаҳон туристик ташкилоти томонидан Мадридда ташкил этилган халқаро туризм конференцияси материалларига асосан туризм бу - турли минтақалар, янги мамлакатлар билан танишиш мақсадида амалга ошириладиган ва бир қатор мамлакатларда спорт билан боғлиқ бўлган фаол саёҳат турларидан биридир, деб ҳисобланди.

Юқорида келтирилган фикрларни умумлаштирган ҳолда қуйидаги хулосага келишимиз мумкин, ҳозирги пайтда туризмга уч хилдаги умумий таъриф берилмоқда. Биринчиси тор маънодаги таъриф бўлиб, унга биноан бу тушунча туристик корхоналар фаолияти билан чегараланади. Иккинчиси бир ёқлама истеъмолчига қаратилган бўлиб, бу таърифга асосан туризм фаолияти доимий истиқомат қилиш жойидан ташқарида ва ишлаб чиқариш ташвишларидан холи ҳолатда хизмат ва товарларни истеъмол қилиш жараёни сифатида тушунилади. Учинчисига кўра эса, туризм тушунчаси жамиятда инсонларнинг истиқомат қилиш жойидан ташқарида бўш вақтидан фойдаланиши ва бунинг учун зарур бўлган хизмат ва товарлар турларини қайта ишлаш шартлари билан боғлиқ бўлган муносабатлар мажмуасини ифодалайди.

Бизнингча, сўнги таъриф нафақат кенг ва атрафлича, балки туризмнинг жамиятдаги ўрнига янги сифат ва баҳо беради. Бунга, биринчи навбатда, туризм соҳасига, реклама – ахборот хизматлари, транспорт, қурилиш, қишлоқ хўжалиги, қайта ишлаш каби тармоқлар билан бошланадиган ҳамда

таълим, соғлиқни сақлаш, спорт ва маданият каби тармоқлар билан тугайдиган кенг миқёсдаги фаолият турлари кириши сабаб бўлади.

1.2. Туризмда меҳмондўстлик индустриясининг мазмун ва моҳияти

"Меҳмондўстлик индустрияси" тушунчаси шунчалик кўп кирралики унга мос равишда "Меҳмондўстлик" тушунчасига ҳам аниқлик киритиш анча мураккаб масаладир. Юқорида кайд килинган меҳмондўстлик индустриясининг, бўш вақт ва туризм соҳасининг замонавий моделлари меҳмондўстлик индустриясининг мураккаблигини кўрсатади.

Меҳмондўстлик индустрияси катор омиллар таъсири остида ривожланмоқда. Меҳмондўстлик индустриясининг ўсишида айнан туристик талаб ва таклифлардаги сифат ўзгаришлари, сунги ўн йилликда халқаро туризмнинг ривожланишини белгилаб берди.

Меҳмондўстлик ҳамда унга яқин бўлган бизнеснинг меҳмондўстлик индустрияси секторига диққат эътиборни жалб қилиш зарур. Р.Браймернинг фикрича, меҳмондўстлик - бу исталган ғамхурлик билан хизмат кўрсатишнинг сиридир. Меҳмонга нисбатан муносабатда кўрсатилган ғамхурлик, мижоз эҳтиёжини олдиндан сезиш қобилияти, хизмат кўрсатувчининг табиий кирралари ўта муҳим ҳисобланади. Р.Браймернинг фикрича, меҳмондўстлик индустрияси меҳмонларни қабул қилиш ва уларга хизмат кўрсатиш билан боғлиқ бўлган хизматлар бозорига ихтисослаштирилган тадбиркорликнинг куп сонли ва турли хил шакллари учун йиғма тушунча бўлиб ҳисобланади. У камраб оладиган барча асосий фаолият турларининг руйхати мавжуд эмас. Бирок қуйидаги асосий йўналишларни ажратиб кўрсатиш мумкин: умумий овқатланиш, жойлаштириш, ташиш ва дам олиш (рекреация).

И.И.Зорин ва В.А. Квартальновлар қуйидаги таърифни таклиф қиладилар: меҳмондўстлик бу истеъмолчилар эҳтиёжини уларнинг хавфсизлигини, жисмоний ва психологик жихатдан қуйлайлигини

кафолатлаб, меҳмонлар эҳтиёжини кондиритиш мақсадида хизмат кўрсатувчи ходимнинг илтифотли хатти харакатлари, хушмуомалалиги ва дам олишнинг шинам мухитининг туристик хизматлар ишлаб чиқариш билан биргаликдаги уйгунлашувидир.

Меҳмондўстлик - туристик махсулотнинг муҳим истеъмол хусусиятларидан бири бўлиб, у мижозга хурмат, унга илтифот кўрсатиш, меҳмоннинг ушбу ерга ташриф буюрганлигидан хурсандлиги, ҳамда ўз миннатдорчилигини намоиш қила олиш қобилияти билан белгиланади.

Г.Пейджнинг ифодалашича, меҳмондўстлик - инсон учун энг биринчи ва энг асосий ишдир. Меҳмондўстлик бу хатти харакатлар (одоб ахлоқ) фалсафасидир, бироқ индустрия эса, мукофотлаш учун сервисдир. Д.Угбетер фикрича, меҳмондўстлик индустрияси бу меҳмонларга нисбатан хушмуомалалик ва илтифотни ифодаловчи, меҳмондорчилик принципларига таянувчи хизмат турларидан ташкил топган тадбиркорлик соҳасидир.

Бироқ Б.Л.Соловьев ва Л.А.Толстовларнинг фикрича, меҳмондўстлик индустриясининг асосий таркибий қисмлари бўлиб, юкорида кайд килинган фаолият турлари руйхати эмас, балки меҳмондўстлик бизнесида самарали фаолият кўрсатишнинг асосий меъзони бўлиб хисобланади.

Меҳмондўстлик туризмнинг бир қисми сифатида мазкур соҳанинг ривожланиши учун катта аҳамиятга эга. Шу туфайли меҳмондўстлик индустриясини ташкил қилиш ҳам соҳанинг барқарор ривожланишини таъминлайди. Буларни инобатга олиб меҳмондўстлик индустриясининг ҳам таърифини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ, деб топилди. Меҳмондўстлик индустрияси деганда меҳмондўстликни амалга ошириш билан боғлиқ хизматлар бозорини шакллантириш ва ривожлантиришга қаратилган тадбиркорлик фаолияти тушунилади¹⁸.

Туризмга оид адабиётларда «туризм ва меҳмондўстлик индустрияси» термини кенг қулланилиб келинмоқда¹⁹. Унда эътироф этишилича

¹⁸ Пардаев М.Қ., Халикулов А.Н., Х, А.Рахимовларнинг "Меҳмонхона хужалиқларида самарадорликни ошириш муаммолари" номли монографияТ.: "Иқтисодиёт" нашриёти, 2013. — 44 бет..

¹⁹ Туризм и гостиничное хозяйство. Учебник / Под ред. проф., д.э.н. А.Д. Чудновского. — М.: Ассоциация авторов и издателей «Тандем». Издательство ЭКМОС. 2001, - 400 с.

мехмондустлик туризмга нисбатан кенгрок ва умумий тушунча деб каралмокда. Чунки, унинг вазифаси нафақат туристларнинг эҳтиёжларини, балки барча истеъмолчилар эҳтиёжларини кондиришга каратилган, дейилмокда. Бизнинг фикримизча, туризм ва мехмондустликни айри холда караб булмайти. Шу туйайли мехмондустлик индустриясини хам алоҳида куриб чикиш мумкин эмас. Чунки туристлар хам саёхат максадига боғлиқ равишда узига хос эҳтиёжларга эга булган истеъмолчилар хисобланади.

Мехмондустлик индустрияси тарихан турли мехмонхона корхоналари, яъни жойлаштириш хизматлари курсатувчи тармокдарда шаклланган. Умумий холда мехмонхона деганда ташриф буюрувчилар учун мебеллар билан жихозланган, яшаш учун тайёр х,олга келтирилган хоналардан иборат бино тушуниладн. Замонавий шаронгда мехмонхона фукароларга, шунингдек, алоҳида туристлар ёкн махсус гуруҳдарга мехмонхона хизматларини курсатувчи корхона хисобланади. Аммо бу тушунча буйича хам турли карашлар мавжуд. Уларни умумлаштириб, мехмонхонага кўйидаги таърифни бериш махсадга мувофикдир:

Мехмонхона деганда мехмонларнинг (туристларнинг) вақтинча яшаши, яъни дам олиши ва ишлаши учун зарур булган шароитлар яратилган ва талаб қилинадиган кушимча хизматларни курсатишга мулжалланган махсус хужалик тушунилади. Бизнинг фикримизча, ушбу таъриф мехмонхонанинг мазмунини тулик ўзида ифода этади.

Замонавий мехмонхона корхонаси истеъмолчиларга нафақат турар жой ва овқатланиш хизматлари, балки транспорт, алока, кунгилочар экскурсия хизматлари, тиббиёт, спорт, гузаллик салонлари каби кенг камровли хизматларни таклиф этади. Амалда мехмонхона корхонаси туризм ва мехмондустлик индустрияси таркибида асосий функцияларни бажаради, истеъмолчиларга комплекс хусусиятларга эга мехмонхона махсулотини таклиф этади. Бу махсулотнинг шаклланиши ва сотилишида туризм ва мехмондустлик индустриясининг барча секторлари хамда элементлари иштирок этади. Шу нуктаи назардан ишда мехмонхона бизнесини туризм ва

меҳмондустлик индустриясининг таркибий қисми сифатида мустақил куриб чиқишни мақсадга мувофиқ, деб топдик.²⁰ Шу боис баъзи масалалар маълум даражада туризм ва меҳмондустлик индустрияси билан узвий алоқада урганилади.

Барча луғатларда “меҳмондўстлик” тушунчаси меҳмонларни тақаллуф кўрсатиб очиқ чеҳра билан кутиб олишни англатади.

Меҳмондўстлик – бу таракқиётнинг тушунчаларидан бири бўлиб, вақт ва ривожланиш туфайли у миллионлаб тажрибали ходимлар фаолият кўрсатиб, туристлар (хизмат истеъмолчилари) учун янада сифатли хизматларни тақлиф этувчи қудратли индустрияга айланди. Меҳмондўстлик индустрияси кишиларнинг турли фаолият соҳаларини – туризм, дам олиш, кўнгилоғлик, меҳмонхона ва ресторан бизнесини, умумий овқатланишни ҳамда экскурсия фаолиятини, турли илмий конференциялар ўтказишни ва кўргазмалар ташкил этишни ўз ичига олади.

Шундай қилиб, меҳмондўстлик индустрияси – бу туристларнинг исталган хошиш ва истакларини қондирувчи ходимлар фаолиятининг комплекс соҳасидир. Турли хорижий мутахассислар “меҳмондўстлик индустриясини” турлича талқин қиладилар. Масалан, Л. Вагеннинг фикрига кўра меҳмондўстлик индустрияси– бу туристларни жойлаштириш учун жавоб берувчи, ҳамда алкоголь ичимликлар сотишга, турар жой ва озиқ-овқатлар тақдим этишга, ҳамда кўнгилоғар тадбирларни ташкил этишга йўналтирилган фаолият соҳасидир. Дж. Р. Уокера фикрига кўра, меҳмондўстлик индустрияси туризмни, меҳмонхона ва ресторан бизнесини, умумий овқатланишни, дам олиш ва кўнгилоғарликни, конференциялар ва йиғилишлар ташкил этишни бирлаштиради. Н. Уэбстернинг изоҳли луғатида меҳмондўстлик индустрияси- бу меҳмондўстлик принципларига таянувчи, меҳмонларга нисбатан дўстона муносабат, меҳрибонликни ифодаловчи хизмат турларидан иборат бўлган тадбиркорлик соҳасидир.

²⁰Пардаев М.Қ., Халикулов А.Н., Х, А.Рахимовларнинг "Меҳмонхона хужаликларидида самарадорликни ошириш муаммолари" номли монографияТ.: "Иқтисодиёт" нашриёти, 2013. — 44 бет..

Р.А. Браймернинг фикрича, меҳмондўстлик индустрияси меҳмонларни қабул қилиш ва уларга хизмат кўрсатиш билан боғлиқ бўлган хизматлар бозорига ихтисослашган турли хил ва кўп сонли тадбиркорлик шакллари учун йиғма тушунча бўлиб ҳисобланади. Меҳмондўстлик индустриясининг асосий йўналишлари: умумий овқатланиш, жойлаштириш, ташиш ва дам олиш.

Юқоридагилардан шундай хулосага келишимиз мумкин: меҳмондўстлик индустрияси хорижий методологияси ўз таркибига жойлаштириш, умумий овқатланиш, транспорт ва маданий – кўнгилочар сектори корхоналарини олади. Собиқ иттифоқ даврида жойлаштириш ва овқатлантириш хизматларини тақдим этиш билан боғлиқ фаолият соҳаларини аниқлаш учун “меҳмонхона хўжалиги” ёки “меҳмонхона – ресторан хўжалиги” тушунчаси қўлланилган. “Меҳмонхона хўжалиги” ўрнига “меҳмонхона индустрияси” тушунчасини қўллаш одат тусига кирди. Бу тушунча мазкур фаолиятнинг барча табиатини ўзида акс эттиради, чунки меҳмондўстлик индустрияси меҳмонларга нисбатан диққат эътибор, меҳрибонлик, дўстона илиқ муносабатларни шакллантиришни кўзда тутди. “Меҳмондўстлик индустрияси” термини бозорни ривожлантириш учун кўшимча инвестицияларни жалб қилиб фаолиятнинг мазкур секторини ижобий талқин этишга имкон беради.

Меҳмондўстлик индустрияси таркибига қуйидагилар киради:

- 1) умумий овқатланиш корхоналари;
- 2) транспорт хизматлари;
- 3) маданий – кўнгилочар хизматлар.

Шундай қилиб, бизнинг фикримизча меҳмондўстлик индустрияси – бу меҳмонларни қабул қилиш ва уларга хизмат кўрсатиш билан боғлиқ бўлган хизматлар бозорига ихтисослашган умумий овқатланиш, жойлаштириш, ташиш ва дам олиш бўйича барча хизматларни ўз ичига олувчи тушунчадан иборат экан.

2.БОБ.ЎЗБЕКИСТОН ШАРОИТИДА МЕҲМОНДЎСТЛИК ИНДУСТРИЯСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ХОЗИРГИ АҲВОЛИ

2.1. Ўзбекистон туризм соҳасида меҳмондўстлик тамойиларини ривожлантириш

Ўзбекистон Республикасида халқаро туризмни ривожлантириш борасида ишлаб чиқилган муҳим меъёрий ҳужжатлар қаторига Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1995 йил 2 июндаги «Буюк Ипак йўли»ни қайта тиклашда Ўзбекистон Республикаси иштирокини авж олдириш ва республикада Халқаро туризмни ривожлантириш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони ҳамда мазкур фармонни амалга ошириш мақсадида эълон қилинган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 3 июндаги «Ўзбекистон Республикасида халқаро туризмнинг замонавий инфратузилмасини барпо этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорини халқаро туризмни ривожлантириш дастури сифатида киритиш мумкин.

Ўзбекистон халқаро туризмнинг ривожланишида «Буюк Ипак Йўли» нинг тутган ўрни ва моҳияти ниҳоятда чексиз. Бир неча асрлар давомида ушбу заминнинг Ғарб ва Шарқда истиқомат қилган халқларни Жанубий-Шарқий Осиёдан то Ўрта ер денгизи мамлакатларигача чўзилган ва «Буюк Ипак Йўли» деб ном олган савдо-сотик йўли бир-бири билан боғлаб турар эди. Бу йўлга «Ипак Йўли» деб ном берилишининг асосий сабаби, бу ерда ташиладиган маҳсулотларнинг асосий қисми ипак матолари ва маҳсулотлари бўлганлигидандир. Ипак тайёрлаш билан боғлиқ бўлган сир-асрорларни Хитой усталари минг йиллар давомида бошқа давлатлардан яшириб келган. Аммо «Буюк Ипак Йўли» орқали ташилган маҳсулотлар фақат ипакдангина иборат бўлмай, балки бу йўл орқали бронза, чинни, жун, хом ашёлар ва улардан тайёрланган буюмлар ҳам эди. «Буюк Ипак Йўли» қарийиб икки минг йиллик тарихга эга бўлиб, бу йўл асосан Италиядан тортиб Туркия орқали Ироқ ва Эронга борган. У ердан эса Марказий Осиё ҳамда Шимолий Помир орқали ўтиб Қашқар ва Ёрқентгача етган. Бу ерда йўл иккига ажралган ҳамда шимол

томондан Такла-Макон саҳросини айланиб ўтиб, Лобнор кўли яқинида яна қўшилган ва Хитойгача борган.

Буюк Ипак Йўлида Туркистон худуди етакчи ролни бажариб келган. Ушбу худуддаги Самарқанд, Бухоро, Хива, Термиз, Хўжанд, Чоржуй каби қатор шаҳарлар ипак йўлидаги асосий манзиллар бўлган. Ўзбекистон ўзининг қўлай географик ўрни туфайли бу тарихий йўлда марказий ўринни эгаллаган. «Буюк Ипак Йўли» кўп асрлар давомида кишилик маданиятининг вужудга келишида катта ўрин эгаллаган. Унинг тарихда тутган ўрни ҳамда аҳамиятини тиклаш, бу йўлда туризмни ривожлантириш каби мақсадларни мўлжаллаб, 1994 йилнинг октябр ойида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва унинг нуфузли ташкилоти ЮНЕСКО иштирокида Ўзбекистонда Бутунжаҳон туристик ташкилотининг кенгаши бўлиб ўтди. Кенгаш аъзолари Ипак йўли бўйлаб туризм фаолиятини тиклаш ва ривожлантиришга қаратилган Самарқанд Декларациясини қабул қилди. 1995 йилнинг октябр ойида Тошкент шаҳрида «Ипак Йўлида туризм» номи билан биринчи мартаба Халқаро туристик ярмарка ўтказилди. Шундан кейин ушбу халқаро туристик ярмарка Тошкент шаҳрида ҳар йили мунтазам равишда ўтказилиб келинмоқда.

Навбатдаги меъёрий ҳужжатлар бу Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 21 ноябрдаги «Хорижий фуқароларнинг ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистон Республикасига келишлари, кетишлари, бу ерда бўлишлари ва транзит ўтишлари тартиби тўғрисида»ги Қарори ва унга Республика Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 16 апрелдаги Қарори билан ўзгартиришлар ва қўшимчаларнинг киритилиши бўлди. Ушбу қарорларда «Хорижий фуқароларнинг ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистон Республикасига келишлари ҳамда Ўзбекистон Республикасидан кетишлари тартиби» тасдиқланди. Тартибнинг биринчи бўлими «Умумий қоидалар»,-деб номланиб, унда республикамизга келиш ва кетишга ҳақли деб – хусусий ҳамда хизмат ишлари бўйича, туризм, дам олиш, ўқиш, ишлаш, даволаниш ва доимий яшаш учун бораётган шахслар ва бошқа масалалар белгилаб берилган. Иккинчи бўлим «Ўзбекистон Республикасига келиш «виза» ларини расмийлаштириш

тартиби», -деб номланиб, унинг 12-бандида, айниқса тўлиқ маълумотлар мужассам. Учинчи бўлим «Ўзбекистон Республикасидан кетиш «виза» ларини расмийлаштириш тартиби», тўртинчи бўлим «Ўзбекистон Республикасига келиш ва ундан кетиш ҳуқуқидаги чеклашлар», бешинчи бўлим «Чет элга кетиш ҳуқуқи рад этилганлиги устидан шикоят қилиш тартиби», -деб номланган.

Шунингдек, ушбу қарорларда «Хорижий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистон Республикасида бўлишлари қоидалари» тасдиқланган. Бу қоиданинг биринчи бўлими «Умумий қоидалар», иккинчи бўлими «Ўзбекистон Республикасида вақтинча бўлувчи хорижий фуқароларни рўйхатга олиш», -деб номланган. Қоиданинг 13-бандида: меҳмонхоналар, даволаш муассасалари, санаторийлар, дам олиш уйларининг масъул шахслари томонидан келиб жойлашган шахсларнинг ҳисоби юритилади. 19-бандида: Меҳмонхоналар маъмурияти Ўзбекистон Республикасига келиш «виза» сига эга бўлмаган, шунингдек, бошқа қоида бузишларга йўл қўйган хорижий фуқаролар тўғрисида ҳудудий ички ишлар органларига зудлик билан хабар қилишга мажбурдир. Бундай шахсларни меҳмонхоналарда расмийлаштириш ва меҳмонхоналарга жойлашган хорижий фуқароларнинг бўлиш муддатини узайтириш қабул қилувчи ташкилотларнинг ёзма илтимосномасида (туристлар учун турнинг амал қилиш муддатида) кўрсатилган, лекин «виза» нинг амал қилиш муддати даражасида оширилади», - дейилади.

Учинчи бўлим «Хорижий фуқароларга Ўзбекистон Республикасида доимий яшаш учун рухсатномалар бериш», тўртинчи бўлим «Хорижий фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида юришлари», бешинчи бўлим «Ўзбекистон Республикасида бўлиш муддатини қисқартириш ва ундан чиқариб юбориш», -деб номланган. Вазирлар Маҳкамасининг мазкур қарорларида, шунингдек, «Хорижий фуқароларнинг, фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали транзит ўтишлари қоидалари» ҳам тасдиқланган.

Жаҳон иқтисодиёти тажрибаларидан маълумки, халқаро туризм соҳаси мамлакат бюджети учун зарур бўлган валюта тушумини таъминлаш, янги иш жойларини вужудга келтириш ва шу билан биргаликда аҳолининг турмуш даражасини

кўтариш учун хизмат қилади. Республикамиз халқаро туризм соҳасидаги имкониятларининг катталиги билан қўшни мамлакатлардан тубдан фарқ қилади.

Ўзбекистоннинг географик ўрни, ниҳоятда қулай, табиий иқлим шароитига эга эканлиги, инсоният маданий тараққиётида ҳам катта ўрин тутди. Ўзбекистон бетакрор, ажойиб тарихий архитектура ёдгорликлари, ширин-шакар мевалари, хилма-хил миллий таомлари, ажойиб миллий анъаналари, урф-одатларига эга бўлган меҳмондўст халқига эга. Буларнинг барчаси чет эллик туристлар эътиборини ўзига тортади ва уларни Ўзбекистонга яна қайта келишига ундайди.

Халқаро туризмни ривожлантиришда Ўзбекистонда қабул қилинган меъёрий ҳужжатлар билан биргаликда, ундаги сиёсий барқарорлик, тинчлик-тотувлик муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда. Ўзбекистон Республикасига 2005-2012 йилларда ташриф буюрган фуқароларнинг оқими кўйидаги ҳолатни ифодалайди.

Халқаро туризмни ривожлантиришда қабул қилинган тегишли меъёрий ҳужжатлар натижасида Ўзбекистон учун устувор ташқи туризм хизмат бозорлари бўлиб, МДХ мамлакатларидан Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Россия ва Туркманистон давлатлари ҳисобланади, узоқ мамлакатлардан эса Туркия, Жанубий Корея, Ҳиндистон, Афғонистон, Германия, Франция, Италия, Малайзия ва бошқа мамлакатларни кўрсатиш мумкин. Тадқиқот даврида (2005-2012 йилларда) МДХ мамлакатларидан Ўзбекистонга фуқароларташрифининг 2005 йилга нисбатан 2012 йилда миқдорий ўсиш бўйича Россия биринчи ўринда бўлса (47,6 мартага), Қозоғистон (28,8 мартага) ва Қирғизистон (19,1 мартага) кейинги ўринларни эгаллайди. Узоқ мамлакатлардан келган фуқаролар сони 2005 йилга нисбатан 2012 йилда Жанубий Корейдан 155,2, Малайзиядан 111,2, Ҳиндистондан 98,4, Германиядан 6,8, Буюк Британиядан 5,8 ва Туркиядан эса 16,2 мартага ошганини кузатиш мумкин бўлмоқда.

«Ўзбектуризм» Миллий компаниясининг маълумотларига кўра сўнги йилларда республикамизга ташриф буюраётган туристлар сони сезиларли даражада ошмоқда. 2013 йилда Ўзбекистонга 1977600 нафар хорижий туристлар ташриф

буюрди, 2012 йилга таққослаганда туристик хизматларнинг умумий ҳажми қарийб 16 % га, хизматлар экспорти эса 9 %га ошди. 2014 йил бошида республикада фаолият кўрсатувчи туристик ташкилотлар сони 900 тага етди, шу жумладан 400 та меҳмонхона хўжалиги ва 500 та туристик компаниялардан иборат.

Бундан ташқари, 2013 йилда мамлакатимизнинг Хоразм, Сурхандарё, Тошкент ва Қашқадарё вилоятларида умумий қиймати 260 млн. долларни ташкил этувчи туризм соҳасини ривожлантириш дастурлари қабул қилинди. Мазкур дастурлар доирасида туризм инфраструктурасини ривожлантиришга йўналтирилган лойиҳаларни амалга ошириш кўзда тутилган, бу лойиҳалар объектларга элтувчи йўлларни таъмирлаш, туристик марказлар муҳандислик инфраструктурасини яхшилаш, меҳмонхоналар, ресторанлар, парклар қурилиши, боулинг- клублар ва туристлар учун кўнгилочар объектлар ташкил этишни ўз ичига олади.

Бугунги кунда республикада ёшлар ва ўсмирлар туризмни ривожлантиришга катта эътибор берилмоқда. Ўзбекистонда ёшлар туризмни ривожлантиришга 34,3 млрд. сум. ажратилди. Ёшлар ва ўсмирларнинг дам олишини ва уларни соғломлаштиришда асосий ташкил этувчиси бўлиб, Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси бўлиб ҳисобланади. Масалан 2013 йилда қасаба уюшмалари ҳисобидан мактаб ўқувчиларини ёзги дам олишларини ташкил этиш учун 34,3 млрд. сум. ажратилди. 1060 та стационар ва кундузги лагерлар 293 нафар болаларни ўз бағрига олди, жумладан, интеллектуал ривожланиш, техник ижодиёт, ҳарбий – спортга доир, экологик – биологик, ўлкашунослик ва бошқалар. 7 та дам олиш зонаси таъмирланиб янгиланди, 8 таси капитал таъмирдан чиқарилди, 4 таси янгитдан барпо этилди.

2.2. Жаҳон меҳмондўстлик индустрияси ривожланишининг тенденциялари

Бугунги кунда жаҳон меҳмондўстлик индустриясини ривожлантиришнинг асосий тенденцияларига қуйидагиларни киритиш мумкин:

-меҳмонхона бизнеси манфаатлари олдин бошқа соҳа корхоналарига тақдим этган маҳсулот ва хизматларга ҳам жорий этилмоқда. Масалан, овқатланишни, кўнгил очар тадбирларни, кўргазма фаолиятини ташкил этиш ва ҳ.к;

- оммавий истеъмолчилар учун меҳмонхона хизматларининг очиқлигича имкон берувчи меҳмондўстлик индустриясининг ўсиб бораётган демократлашуви;

- турли белгиларини ҳисобга олган ҳолда, истеъмолчиларнинг маълум сегментларига янада аниқ йўналишларга имкон берувчи меҳмонхона бизнеси ихтисослашувини кучайтириш;

-туризмнинг янги турларини ривожлантириш, масалан, экологик, саргузаштли, экстремал, баъзи мавзули йўналишларни ривожлантириш исталган категориядаги истеъмолчиларнинг манфаатларини ҳисобга олишга ҳамда туристик маҳсулотни янада нозиклаштиришга имкон беради;

-туристик корпорациялар ва меҳмонхона занжирини ташкил этишда намоён бўлувчи меҳмонхона бизнесини глобаллашуви ва концентрацилашуви, ҳамда меҳмонхона ассоцияциялари, уюшмалари халқаро давлат ва нодавлат ташкилотлари ташкил этилади.;

- хизмат кўрсатишни чуқур персоналлаштириш ва истеъмолчиларнинг сўров ва эҳтиёжларини тўлиқ концентрациялашуви;

- чуқур ва тизимли иктисодий диагностика ўтказишда имкон берувчи ахборот технологиялари ва коммуникациянинг янги воситаларини кенг жорий этиш;

-меҳмондўстлик индустрияси корхоналарининг фаолият стратегиясига янги технологияларни жойрий этиш. жумладан меҳмонхона маҳсулотлари ва хизматларини силжитиш мақсадида интернетдан кенг фойдаланиш, ҳамда бронлаш ва резервлашнинг замонавий компьютер тузимларини кенг жойрий қилиш.

Хулоса ўрнида шунини кайд қилиш керакки, жаҳон амалиётида меҳмондўстликнинг тўртта модели мавжуд.

Европа модели «юкори парвоз»ва юкори нуфузли меҳмондўстлик намоен бўлади. Бундан ташқари европа меҳмонхона бозори янада кенг тарқалган ва ривожланган ҳисобланади. Европа меҳмондустлигининг фарқ қилувчи жиҳатлари қуйидагилардир.

-Европа отелларининг номер фондига ўриндошликни қисқартиришга интилиши бу эса миждозларга индивидуал хизмат кўрсатишни кучайтиради.

- отелларнинг афзаллиги уларнинг дабдали ва хашаматли эканлигида эмас балки латофатли нозик, дид билан безалган бадиий жиҳозларда ҳамда безакларда, юкори обрў эътибор ва машхурликда юкори даражали тизим кўрсатгичидадир.

- янада киммат отелларшаҳарнинг тарихий марказларида, антика жойлар ва биноларда жойлашган.

- ижарачи меҳмонларга нисбатан киммат отелларнинг одатийлиги ва талабчанлиги.

- европа отелларининг автоматлашуви ижарачи меҳмонлар билан узаро шахсий муносабатларни узгартирмайди.

- европа меҳмонхона бозори арзон йўл бўйидаги меҳмонхоналардан тортиб кимматбаҳо элита отелларгача таклифли диверсификациялаш билан фарқланади.

Меҳмондўстликнинг Осиё модели европа моделидан тубдан фарқ қилади. Бу эса осиеликларнинг дабдабали ва хашаматга интилиши, куз куз қилинадиган бойлик ва ёқтиришида ўз аксини топади. Айнан Осиёда дунёнинг энг баланд ва энг хашаматли дабдабали отеллари жойлашган. Агар хашаматли корхоналар категорияси уларнинг сифимиға тесқари пропорционал бўлса, Осиёда, эса бунинг аксини курса бўлади.

Осиёнинг отелларидаги люкс классларининг фарқли жиҳатлари қуйидагилардир:

- янада қулай жойда жойлашганлиги.

- хоналар ва жамо бинолар майдонининг катталиги.

- сифимининг катталиги.

- ички жиҳозланиш, нозик хашаматлилик ва айникса, отеллар ташқи кўринишидаги латофатлилик.

- паст нархлар ва қулай хизматлар.

- инфратузилманинг турли хил қўшимча хизматларидан фойдаланиш имконияти;
-“АН inclusive” ва “Ultra all inclusive” хизмат кўрсатиш тизимларининг кенг жорий этилганлиги.

Меҳмондўстликнинг Америка модели ҳам Европа моделлари ҳам Осий моделларининг турли жиҳатларига эга. Масалан, Американинг йирик шаҳар марказларида Европа меҳмонхоналарига мос талабларга жавоб берувчи “люкс” классли отеллар кўп тарқалган. (стили унча катта бўлмаган хоналар, индивидуал хизмат кўрсатиш). Бошқа тамондан мамлакатнинг асосий курортлари ва туристик марказлари, осийдаги отелларнинг ички ва ташқи кўринишини эслатувчи кўриниш касб этади. (сифимининг катталиги, дабдаба-хашаматли, улкан ривожланган инфратузилма).

Меҳмондўстликнинг шаркий-европа модели совет давридаги меҳмондўстлик индустрияси корхоналарининг каттагина улуши сабабли европа моделидан алоҳида ажралиб туради. Ҳамда европа моделига ҳам осий моделлари учун хос бўлган отеллар кушничилиги билан ҳам фаркланади. Бошқа томондан эса, европанинг собик иттифок мухитида меҳмонхона бозорини ривожлантиришнинг замонавий босқичи ҳам европа учун ҳам осий учун хос бўлган янги жойлаштириш воситаларининг қурилиши билан ифодаланади.

Меҳмондўстлик индустриясининг ўсишида айнан туристик талаб ва таклифлардаги сифат ўзгаришлари, сўнги ўн йилликда халқаро туризмнинг ривожланишини белгилаб берди. Фарбий Европа давлатлари туристик талабида янги тенденциялар пайдо бўлди. Бу тенденциялар қатор иқтисодий ва социал тартибли омиллар, жаҳон замонавий шахс психологияси билан изоҳланади. Туристлик истеъмол таркибига асосий таъсирни иқтисодий конъюнктурани ёмонлашуви утазди. Индустрияси (саноати) ривожланган давлатларни қамраб олган кризис аҳоли харид қобилиятини тубдан пасайиб кетишига сабаб бўлди. Иқтисодий чиқиш ёши қамайтирилди, таътил даври узайтирилди иш хафтаси қисқартирилди, ва мослашувчан иш тартиби жорий этилди. Меҳнат бозоридаги юзага келган нотинчликни бартараф этишга қаратилган мазкур чора тадбирлар бир вақтнинг узида аҳолининг бўш вақт фондини қучайтиришга имкон беради.

Сўнгида туристик талабнинг замонавий характери субъектив факторлар таъсири остида юзага келади. Янги кийматларни юзага келиши билан киши психологиясида чуқур ўзгаришлар руй беради. Бундай ҳолат қуйидаги сабаблар билан изоҳланади: шахснинг уз жисмоний ва маънавий мавқеини, уз фикри (гояси, дунёкараши)ни бевосита, ифодалаши янада мустикал ва озод бўлиши бошқа индивидуал, социал гуруҳлар ва муассасалар билан муносабатларни кайтадан куриб чиқиш; табиатга нисбатан бошқа муносабатни шакллантириш.

Кўриб чиқилган омиллар туристик истеъмолдаги ўлкан силжишларни белгилаб беради. Умумиктисодий вазиятни ёмонлашуви жараёнида бўш вақт хажмини ортиши билан, аҳолининг рекреацион хатти ҳаракатларида иккита асосий тенденция кузатилади – таътил даврини бўлиш ва давомли бўлмаган, қисқа ташрифларнинг ўсиши.

Турлар қисқа муддатли бўлиб, бироқ узлуксиз равишда амалга оширила бошланди. Ғарб адабиётларида бундай ҳолат «интервал»ли саёхатлар номини олди, бунда туристик талабдан йил давомида фойдаланиш ошган бўлиб, сентябр, октябр ва февраль ойларида ҳам мавсумийликникамайтиришга имкон бермоқда. Бошқа тенденция – кекса кишиларнинг туристик талабини кенгайтириш. Бир карашда 55 ёшдан ошганлар учун туризм парадокс сингари туюлади. Чунки нафақага чиқиш ва қилинган хизматга яраша дам олишни таъминлайди. Бироқ, аҳолининг турли ёш гуруҳлари эҳтиёжларини чуқурроқўрганиш бундай муаммони нафақатгина мавжудлигидан, балки, жуда кескинлигидан далолат беради.

Туризм бу ҳар кунлик юмушлардан холи бўлишга ва ўз иш қобилиятини танлашга имкон берувчи дам олиш сифатида карайдиган банд бўлган аҳоли қисмидан фаркли равишда, бўш вақтга эга бўлган нафақахурлар учун туристик ташриф – фаол турмуш тарзи шакли бўлиб ҳисобланади. Бундай ҳолат жумладан, катта ёшдаги шахслар туристик бозорнинг мавжудлигидан – учинчи ёшдаги шахслар туризмидан далолат беради.

Шундай қилиб, тубдан ўзгаришлар дам олиш усулида руй бермоқда, пляжда вақтни пассив ўтказиш ҳам, таътилни ўтказишни энг кенг тарқалган

шаклларидан бири бўлиб колмокда, бу эса ўсиб бораётган индивидуал суровларни диверфикацияси жараёнида жуда оз даражада жавоб беради. «Учта S» денгиз – куюш – пляж (sea-sunsand) формуласининг урнини учта h» (hore-landscape-heisure) формуласи секин аста кириб келди, бу эса киши психологиясида тасдикланади ва замонавий туристик хатти харакатларида ҳамда дунёкарашида уз аксини топмокда.

Сўнги ўн йилликда туризм секторида ихтисослашув бўйича чукур ўзгаришлар, ишлаб чиқаришни коцентрациялашув жараёнининг ўсиши, янги технологияларга ўтиш кузатилмокда. Иктисодиётнинг бошка тармоклари сингари туризмда ҳам ихтисослашув корхона фаолиятини ташкил этишнинг мухим тамоилига айланди. Фирма фаолиятининг кўпгина йўналишлари орасидан узи учун мухим бўлган асосийларини танлаб олади, ҳамда асосий хатти харакатларни уларга қаратади. Ихтисослашувнинг бу йўналиши туризм бозорининг маълум сегментларига мос келади, яъни узининг фарқи билан ажралиб турувчи кишилар гурухидан ташкил топади: демографик, прихографик, феъл атвори билан ажралиб туруви кишилар назарда тугилган.

Ихтисослашувнинг юзага чиқиши билан бозорни сегментлаш янада мураккаблашди. Компаниялар ажратиладиган секторларнинг бир хиллигини ошириш учун турли методикалардан фойдаланадилар. Меҳмонхона, хўжалигида отеллар диққат эътиборни бозорнинг конкрет секторига қаратади. Уларнинг бир қисми даромад даражалари ўрта, ва паст бўлган транзит йўловчиларга хизмат кўрсатишга ихтисослашади. Кўпгина отеллар максоди сегмент сифатида касбга доир туристларни танлаб олмокдалар.

Замонавий туризм индустриясини ихтисослашуви билан бир қаторда, капитални коцентрациялашуви ва ишлаб чиқаришни марказлашув жараёни ҳам ўсиб боради. Коцентрациялашув турли тармокларда алоҳида корхоналарда ва давлатларда ўта нотекис амалга ошди. XIX-XX асрларда чет элда устиворликни йирик корхоналар олган моддий ишлаб чиқаришдан фаркли равишда, туризмда бу жараённинг бошланганига унга куп вақт бўлаги йўк, яъни 70 йиллардан бошлаб бундай холат кузатилмокда. Бирок, у шиддат билан ривожланиб туризм

индустриясининг барча секторини қамраб олмоқда. Жойлаштириш ва умумий овқатланиш соҳасида йирик меҳмонхона ва ресторан занжирлари шакллантирилди. Турфирмалар ичида туризм маҳсулотини сотишнинг асосий бозорларида назоратни ўрнатилган катор туроператорлар ажралиб чиқмоқда, хаво йўлларда ташиш бозори эса дунёнинг етакчи авиакомпаниялари ўртасида бўлиб олинди.

3.БОБ.ТУРИЗМДА МЕҲМОНДУСТЛИК ИНДУСТРИЯСИНИ БАРҚАРОР РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

3.1Меҳмондустлик индустрияси тизимига кирувчимеҳмонхоналарсамарадорлигини аниқлаш йўллари

Меҳмонхоналар меҳмондустлик индустриясини ривожлантиришнинг асосий бўғини ҳисобланиб бу соҳа туризмдаги асосий хизматлар мажмуасини ўз таркибига мужассам қилади. Туризмни ривожлантиришда меҳмонхоналардаги хизматлар сифатини яхшилаш ва самарадорлигини ошириш куйидаги асосий манбаларнинг замонавий технологияларига асосланади:

- туристларни жойлаштириш инфратузилмаларининг замонавий технологияларига;
- туристларни овқатлантириш инфратузилмаларининг замонавий технологияларига;
- туристларни кўнгил очар ўйинларига таклиф қилиш инфратузилмаларининг замонавий технологияларига.

Меҳмонхоналарда бронлаштириш хизматларининг самарадорлиги биринчи навбатда меҳмонхоналардаги шароитлар ва меҳмонхоналардаги хизматларнинг туризм бозоридаги рекламаларига боғлиқ бўлади. Меҳмондустлик индустриясида меҳмонхоналардаги номерларни бронлаштириш замонавий ахборот тизимига ва хушмуомилалик мулоқотларига асосланади.

Туристларни рўйхатдан ўтказишда миллий этикет ва меҳмондорчилик мулоқотларини қўллаш, майин табассум ва меҳмонни кутиб олиш тадбирларини такомиллаштириш ва бу борада махсус дастурлар ишлаб чиқиш кутилган натижаларни беради.

Меҳмонларни рўйхатдан ўтказишдан кейин то номерга олиб бориб қўйиш, маълумотлар бериш, зарур ҳолатларда мурожаатлар қилиш манбааларини бериш қабул қилиш тизимига кириш талаб қилинади.

Туристлар меҳмонхоналарда яшаган вазиятларда кўрсатиладиган хизматларнинг сифатини яхшилаш ва самарадорлигини оширишнинг энг қулай усули туристларга меҳмонхона хизматлари ҳақида тўлиқ ахборотлар бериш ҳисобланади.

Самарқанд шаҳридаги меҳмонхоналарда туристларни кутиб олиш ва кузатиб қўйишнинг самарали усуллари миллий меҳмондорчилик анъаналарни қўллаш билан амалга оширилади.

Самарқанд шаҳридаги меҳмонхоналарда туристлар учун кўнгиш очар ўйинлар ва дам олишни ташкил қилишнинг энг мақбул варианты кечки вақтдан унумли фойдаланиб ўтказиладиган тадбирларга туристнинг ўзини ҳам иштирокчи ва ижрочи қилишга эришишдир.

Самарқанд шаҳридаги меҳмонхоналарда хизматлар сифатини яхшилаш ва самарадорлигини оширишда туристларни бўш вақтларда миллий маданиятимиз, халқимизнинг қўл хунармандчилиги, миллий ўйинлари, урф-одатлари, тўй маросимларига, таклиф қилиш ва мазмунли ўтказиш энг қулай усуллардан ҳисобланади.

Меҳмонхона индустриясининг жамиятга ва туризмни ривожлантиришга таъсири кучайиб бораётгани боис унинг самарадорлигини тадқиқ этиш зарурати вужудга келади. Меҳмонхона индустриясида менежментнинг самарасига тўғри баҳо бериш меҳмонхоналарнинг ҳозирги ҳолати ва ривожланиш тамойилига фаол таъсир қилиш, уларнинг ҳажмини белгилаб бериш, бошқарилмайдиган ҳодисалар ва жараёнларни кузатиш, меҳмонхоналар ва уларнинг таркибий бўлинмаларини ривожлантиришни фаразлаш ва режалаштириш имконини беради. Аммо шуни назарда тутиш керакки, иқтисодиётнинг бошқа тармоқларидан самарадорликни аниқлашнинг маълум усулларини кўр-кўрона кўчиришнинг маъноси йўқ. Меҳмонхоналарнинг ўзига хослигига асосланиб, унинг самарадорлигини аниқлаш учун нималарни ҳисоблаш зарурлигини аниқ билиб олиш лозим. Чунки меҳмонхона индустриясининг самараси ё меҳмонхонага келувчи туристлар сони билан, ёки ўзига хос маҳсулот ишлаб чиқарувчи туризм тижорат бўлинмалари фаолиятининг ҳажми билан аниқланади.

Меҳмонхона индустрияси фаолиятининг кенг доирадаги турларини ўз ичига олади ва уни фақат дам олиш билан боғлиқ ҳодиса сифатидаги анъанавий тасаввур доирасидан четга чиқади, шу сабабли унинг самарасига анча содда ва кам меҳнат талаб қиладиган саноат учун хос бўлган таклифлар нуқтаи назаридан эмас, балки истеъмолчининг алоҳида турининг талаблари нуқтаи назаридан қарамоқ лозим.

Бошқа тармоқларда тижорат корхоналари товар ишлаб чиқариш ва хизмат билан шуғулланади. Лекин меҳмонхона индустриясини фақат товарлар (хизматлар) ишлаб чиқаришдан иборат деб бўлмайди, чунки фаолиятнинг бу тури ишлаб чиқариладиган товар (хизмат)нинг қандайлигига қараб эмас, кўпроқ туризм маҳсулоти истеъмолчиларининг хусусиятларига ва миқдорига қараб аниқланади. Демак меҳмонхона индустриясининг самараси унинг ҳар қандай маҳсулотининг пировард истеъмолчисига боғлиқ, бу кўп даражада истеъмолчининг қандайлигига ва камроқ даражада маҳсулот турига боғлиқ.

Меҳмонхона маҳсулотининг истеъмолчиси, яъни меҳмон самарадорликнинг маҳим элементи эканлигини аниқлаб, унинг пули меҳмонхона товарига ёки хизматига алмаштирилишини кўзда тутамиз, бу эса «меҳмонхона харажатлари»га олиб келади. Ҳар қандай харажат тармоқ фаолиятининг самарасига бевосита таъсир қилади. Шу сабабли туризм харажатларига тегишли маълумотлар меҳмонхона хўжалигини бошқариш асосига қўйилган энг муҳим жиҳат ҳисобланади. Ундан меҳмонхона индустриясининг миллий иқтисодиётга ва меҳмонхона индустриясининг турли секторларига таъсирини кузатиш ва баҳолаш учун фойдаланилади.

«Меҳмонхона индустрияси» тушунчаси бирлаштирадиган барча кичик тизимларнинг самарали ишлаши, бозор иқтисодиётида бошқарувчи тизим унинг самарали ишлашини таъминлайди. Шунинг учун ҳам туризмда менежментнинг самарадорлиги деганда бу тармоқдаги ҳар бир ташкилий-хўжалик бўғиннинг муваффақиятли ишлашини ва ривожланишини таъминлайдиган бошқарувни тушунмоқ керак. Меҳмонхона индустриясида бошқарувнинг самарадорлигини икки йўналишда – иқтисодий ва ижтимоий йўналишда кўриб чиқамиз.

Туризмнинг муҳим элементи – меҳмонхона индустриясининг иқтисодий бошқарув соҳасига бошқарадиган таъсир ўтказишнинг моҳияти меҳмонхона фаолиятининг харажатларини энг кам миқдорга келтиришдан иборат. Меҳмонхона харажатларни аниқлаш туризмда истеъмолни аниқлаш билан узвий боғлиқ. Шунинг учун туризмда истеъмол туристларнинг талабларини қондириш учун зарур товарлар ва хизматлар қиймати сифатида

аниқланади. Демак меҳмонхона харажатлари туристнинг сафарга тайёргарлиги, сафари ва мўлжалланган жойда бўлиши вақтидаги истеъмол харажатларининг умумий миқдори сифатида аниқланади.

Таътил пайтида қилинадиган саёҳатда харажатлар миқдорини аниқ белгилаш учун қуйидагиларни аниқлаймиз: Саёҳат оралиғи. Бу, ҳар бир фуқора маълум вақт ичида ўртача неча марта сафар қилишини кўрсатади.

$$C_o = a C_c \cdot B_d$$

бунда:

C_o – саёҳат оралиғи;

C_c – сафар сони;

B_d – вақтнинг маълум даври.

Саёҳат интенсивлиги. Бу кўрсаткични аниқлаш чоғида алоҳида одам эмас, балки минтақанинг барча аҳолиси эътиборга олинади. Саёҳатлар интенсивлиги халқ хўжалигида банд бўлган одамларнинг қандай қисми йил давомида саёҳатга чиққанини кўрсатади. Бу саёҳат қилувчиларнинг минтақа аҳолиси сонига фоизда ифодаланган нисбатидир:

$$C_{и} = a T_c a_{хх} 100,$$

A_c

бунда:

C_и – саёҳатлар интенсивлиги;

T_c – туристлар сони;

A_c – аҳоли сони.

Сафарларнинг ўртача давомийлиги. Бу тунаб қолишнинг умумий миқдорини сафар сонига тақсимлаш йўли билан ҳисобланади.

Меҳмонхона харажатларининг хилма-хил турларини уч гуруҳга ажратиш мумкин:

- сафарни тайёрлаш ва амалга ошириш учун зарур дастлабки харажатлар;
- саёҳат чоғида ва саёҳат жойларига борганда бўладиган харажатлар;
- саёҳатчилар жўнаб кетган мамлакатда улар хорижий мамлакатдан қайтгандан сўнг бўладиган харажатлар (масалан, фотоплёнкаларни ёритиш, саёҳат чоғида шикастланган автомобилларни таъмирлаш харажатлари ва бошқалар).

Кўриниб турибдики, турист харажатлари жуда кўп товарлар ва хизматлардан, узоқ муддат фойдаланиладиган товарлардан тортиб, қариндошлар ва яқинларига совға сотиб олиш харажатларидан иборат бўлади.

Самарқанд шаҳридаги меҳмонхоналарда хизматлар сифатини яхшилаш ва самарадорлиги оширишнинг энг муҳим омили миллий меҳмондўстлик анъаналарини қўллаш, меҳмонни эшик олдида эмас аэропорт, автовокзал ёки темирйўл вокзалида кутиб олиш ва меҳмонни эшик олдида эмас аэропорт, автовокзал ёки темирйўл вокзалидан уйига кузатишни амалга ошириш.

Самарқанд шаҳридаги меҳмонхоналарда хизматлар сифатини яхшилаш ва самарадорлиги оширишда меҳмонларни халқ ижодиёти марказларига, миллий маданият марказларига, миллий хунармандчилик, устачилик марказларига, халқимизнинг урф-одатини ўтказиш маросимларига, тадбирларига, миллий ўйинларига экскурсиялар уйиштириш энг истиқболли йўл бўлиши тавсия қилинади.

Шу билан бирга меҳмонхона хўжалигидаги хизматларнинг яхшиланиши нафақат хизматлар кўрсатишда балки, меҳмонхона ходимларининг юқори малака ва билимларда эга бўлишини талаб қилмоқда.

Меҳмонхоналардаги хизматларнинг турини кўпайтириш муаммо эмас. Лекин бу хизматларнинг таклиф қилиш ва сифатли даражада ижро этиш албатта меҳмонхоналарда хизматлар қилувчиларнинг хушмуомилалиги, очиқ чеҳралийлиги, устамонлиги, чакқонлиги ва ижрочилик қобилиятларининг юқори даражаларга етганлиги билан белгиланади.

3.2.Меҳмондустлик индустрияси сифатида Ўзбекистонда экотуризмни ривожлантириш йўллари

Мамлакатимизда кейинги йилларда она-табиатни асраш, биологик турларни сақлаб қолиш борасида бир қатор тадбирлар амалга оширилди. Ўзбекистонда 2001–2005 йилларда Ғарбий Тянь-Шаннинг биологик турларини

асраш бўйича халқаро банк–ГЭФ лойиҳалари ва халқаро лойиҳа– EuropeAid лойиҳаси амалда бўлди. Бу лойиҳалар атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, маҳаллий аҳолини туризмга жалб қилиш билан бевосита боғланган.

Иқтисодий жиҳатдан мураккаб даврда аҳоли кўпроқ ягона моддий манба сифатида натурал хўжаликка суянади ва шунинг учун ҳам чорвачилик ва деҳқончиликни жадал ривожлантиради. Табиийки, бундай шароитда шудгор ва яйлов учун давлат муҳофазасидаги боғлар ва кўрикхоналардан ҳам фойдаланилади. Натижада инсоннинг ҳали ўзлаштирилмаган ҳудудларга фаол “хужуми” юз беради, оқибатда экология бузилади ва баъзи турлар йўқолиб кетади. Ўзбекистон Республикасининг “Ўрмонлар тўғрисида”ги қонуни 3-моддасига кўра, ўрмон массивлари асосан экологик (сувни асраш, химоя, санитария-гигиена, соғломлаштириш, рекреацион), эстетик ва фойдаланиш чеклаб қўйилган бошқа вазифаларни ўтайди¹⁸.

Маҳаллий жамоага муқобил фаолият сифатида туризм билан, яъни, маҳаллий флора ва фаунага, ландшафтга, халқ тарихи ва маданиятига қизиққан хорижий ва маҳаллий сайёҳатчиларни қабул қилиш ва уларга хизмат кўрсатиш таклиф этади. Бу соҳа мавсумий бўлса ҳам, аниқ режа асосида, удабуронлик билан олиб борилса, мавсумни чўзиш, даромадни эса йил мобайнида бир хил олиш мумкин. Аҳоли тураржой, овқатлантириш, транспорт, одатлар ва ҳунарларини намойиш қилиш, гидлик, химоя ва хавфсизлик хизматларини кўрсатади.

Бу соҳани ривожлантириш миллий анъаналар ва халқимизга хос бўлган менталитетга асосланган маҳаллий ҳунармандчиликни рағбатлантиради: аҳоли имконияти даражасида ҳунармандчилик касбларини, овчиликни тиклайди. Бу унга катта инвестиция талаб қилмайдиган қўшимча даромад манбаи бўлади. Бундан ташқари, маҳаллий аҳоли бошқа ҳудудлардан келтириб эмас, балки, ўзи етиштирган сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан туристларни таъминлайди, яъни, ёрдамчи хўжалик (аҳоли уй-жой томорқасидаги бўш ерларга экилган сабзавот маҳсулотлари) ҳам даромад келтира бошлайди.

¹⁸Ўзбекистон Республикасининг “Ўрмонлар тўғриси”даги Қонуни, -Т.: 1999й 15 апрель.

Натижада аҳолининг ўзи табиатни фаол кўриқлай бошлайди. Чунки, атроф–муҳит бузилса, чет эллик туристлар келмай кўяди, бу эса маҳаллий аҳолининг даромадларига салбий таъсир кўрсатади. Шу сабабли манфаатдор томонлар ўз маблағларининг бир қисмини табиатни муҳофаза қилиш тадбирларига ҳамда маданият ва санъат ёдгорликларини таъмирлашга ажратишга мажбур бўлади.

Муҳими, бу соҳани ривожлантириш учун коммуникацияларни, янги технологияларни рағбатлантиради, йўллар қурилиши, алоқа линиялари ўтказилиши, тиббиёт, ичимлик суви, энергия ва ҳоказолар билан боғлиқ фаолият турлари пайдо бўлади.

Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида шубҳасиз, туризмни ривожлантириш ва рекреацион фаолиятни жонлантиришда ҳукумат етакчи ислохотчи бўлиши лозим. Чунки, табиатдан бетартиб, аниқ режасиз фойдаланиш мамлакат учун катта зарарларни олиб келиши мумкин. Шунинг учун республикамизда бу соҳага алоҳида ёндошув бўлиб, муҳим қарорлар қабул қилинмоқда. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 10 мартдаги “Табиий бойликларни сақлаш ҳамда Чимён–Чорвоқ ҳудудини ўзлаштиришга комплекс ва изчил ёндашишни таъминлаш тўғрисида”ги 83-рақамли қарорида қайд этилишича, бу ҳудуд ўз табиий-иқлимий шароитлари бўйича курорт ва рекреацион характердаги алоҳида кўриқланадиган табиий ҳудудга киради. Шу муносабат билан табиатга сезиларли зарар келтирадиган корхоналар томонидан бўладиган экологик таҳдидни камайтириш ҳамда маҳаллий туризмнинг салоҳиятини аниқлаш мақсадида бу ҳудудда инфратузилмани реструктуризациялаш ишлари ўтказилди. Табиатга салбий таъсир кўрсатадиган ҳар қандай саноат, қишлоқ хўжалиги ва бошқа корхоналар қуриш тақиқланди.

Ғарбий Тянь–Шань бу, уч давлат – Ўзбекистон, Қозоғистон ва Қирғизистоннинг ҳудуди. Шунинг учун бу давлатлар ўртасида фаол ҳамкорлик ва мувофиқликка эришмай туриб, бу ерда туризмни ривожлантириб бўлмайди. Бунда масала фақат хорижий сайёҳатчилар ёқтирадиган трансчегаравий

туристик маршрутларни яратиш устида эмас, балки, табиий бойликни асраш, хайвонларни ноқонуний йўл билан овлаш орқали уларни ваҳшиёна қириб юборишга йўл қўймаслик, индустриянинг салбий таъсирини камайтириш, маҳаллий иқтисодиётни кўтариш устида ҳамдир. Худудни ривожлантиришдан ҳокимият ҳам, маҳаллий жамоа ҳам манафаатдор бўлиши лозим. Улар ўз худудларида юз берадиган барча хўжалик жараёнларини назорат қилишлари ва бошқариш ишлари жиловини ўз қўлларига олишлари керак. Ғарбий Тянь–Шаннинг табиий бойликларини асраш юзасидан ТАСИС лойиҳаси айнан шу муаммони ҳал қилишга қаратилган.

Ҳозирги вақтда экотуристлик маҳсулотга хорижий ва маҳаллий туристлар орасида эҳтиёж катта. Мутахассислар фикрига кўра, Марказий Осиё табиат қўйнига қилинадиган сайёҳатчилар учун ўзига хос “Макка” бўлиб қолиши мумкин. Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 17 апрелда “Ўзбекистон Республикаси 2006–2010 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–325-сонли қарорни амалга тамбиқ қилиш ҳамда экотуризмни ривожлантириш мақсадида Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси “Ўзбекистон Республикасида экологик туризмни ривожлантириш концепцияси ва унинг яқин келажакдаги истиқболлари”ни ишлаб чиқди. Ватанимизда экотуризмни босқичма-босқич ривожлантириш учун зарур бўлган шарт-шароитлар, ташкилий-ҳуқуқий масалалар кўзда тутилган бу концепция, амалга оширилган тақдирда, Ўзбекистон Республикаси экологик туризми тараққий этган мамлакатлар қаторида ўрин эгаллашида муҳим аҳамиятга эга.

Шуни ҳам эслатиб ўтиш керакки, қўриқланадиган табиий худудлардаги экологик маршрутларни тузишда ва амалга оширишдан олдин туристик ташкилотлар шу худудларнинг маъмурияти, Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат Қўмитаси билан келишиши ҳамда “Ўзбектуризм” миллий компанияси ёки “Ўзстандарт” агентлигидан сертификат олиши лозим. Бундай руҳсатномани олиш учун улар қуйидаги ҳужжатларни тақдим қилишлари лозим:

- маршрут схемаси (унда тегишли жой харитасида маршрут йўли тасвири бўлиши, дам олиш учун тўхташ жойлари, овқат тайёрлаш, тунаш (кўниш) жойлари кўрсатилиши керак);

- маршрутнинг баёни (масофаси, тўхташ жойлари сони, ўзини тутиш қоидалари, мавсумийлик, ўтиш вақти, маршрутдаги одамлар сони берилиши).

Экологик сўқмоқлар, одатда, миллий табиий боғлар ва давлат буюртмахоналари буфер, рекреацион ҳудудларда ташкил қилинади. Алоҳида ҳоллардагина бу сўқмоқлар кўриқхоналар орқали ўтиши мумкин (лекин бунда атроф-муҳитга иложи борица зарар етмаслиги, гуруҳ махсус гид алоҳида кўриқланадиган ҳудуд мутахассиси етакчилигида юриши лозим).

Турмаршрутни тузишдаги расмийлик қоидалари ташкилотчилардан умумий табиий хусусиятлардан ташқари алоҳида қизиқарли объектлар (ғорлар, қоялар, ирмоқлар, кўллар), флора (доривор ва ноёб ўтлар, захарли ўсимликлар, лишайниклар олами) ва фауна (қизил китобига киритилган ҳайвонлар, ҳашаротлар) тўғрисидаги маълумотларни ҳам тўплашни талаб қилади. Шунини айтиш керакки, экологик йўлни танлашда фақат ландшафтнинг типигина эмас, балки, бўлажак рекреацион экологик йўналишда ташриф буюриши мумкин бўлган туристлар сифимини ҳам ҳисобга олиш лозим. Маршрут шундай режалаштирилиши керакки, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсининг ноёб турлари, айниқса, давлат муҳофазасидаги турлари яшайдиган жойлар четлаб ўтилиши зарур. Йўлга чиқишдан олдин туристлар хавфсизлик техникаси, шу ҳудудларда ўзини тутиш қоидалари ҳамда қоида бузилганлиги учун маъмурий-жиноий жавобгарлик тўғрисида йўл-йўриқ олганлари ҳақида махсус дафтарга имзо чекишлари лозим. Одатда, экологик маршрут ва унинг вазифаларини бир неча гуруҳларга бўлишади¹⁹.

Экотуризм ресурсларидан фойдаланишнинг бошқа шакллариغا нисбатан табиий боғларни молиялашнинг бевосита имкониятлари мавжуд. Кўпчилик мамлакатларда бу муаммо ҳисобланади. Лекин туризмни тўғри режалаштириш

¹⁹Тўхлиев Н., АбдуллаеваТ. “Экологический туризм: сущность, тенденции и стратегия развития”. –Т.: Ўзбекистон, 2006. – с. 200.

ва бошқариш орқали уни бартараф этиш мумкин. Непалдаги “Читван” ва “Похара” кўриқланадиган табиий ҳудудига ТАСИС халқаро лойиҳаси доирасида экологик туризмни ривожлантириш ва табиатни муҳофаза қилиш тадбирларини ўтказиш мақсадида ташриф буюрган Угам-Чотқол давлат миллий табиий боғи вакиллари қайд этишича, биринчи ҳудудда яшайдиган аҳоли шу ердаги фаолияти (даромади) ҳисобига ичимлик суви билан таъминланади ва болаларини бошланғич мактабда ўқитиш имкониятига эга бўлади. Ҳудудни миллий армия кўриқлайди. Кўриқлаш миллий боғ даромади ҳисобидан амалга оширилади. Ҳудуднинг ўзида меҳмонхоналар, ресторанлар, кузатиш майдончалар бор, экотуристлик йўналишда ташриф буюрган туристларга хизмат кўрсатувчи ходимлар сони 500 кишига етади.

Туристлар ҳудудга май ойидан бошлаб сентябрь ойигача ташриф буюришади. Булар асосан Европа, Туркия, Хитой, Ҳиндистон ва Россиядан келганлардир. Меҳмонларга хизмат кўрсатиш учун арава, фил, каноэ, велосипедда сайр этиш ташкил қилинади. Жунгли ва дарё бўйларида филда сайр қилиб, маҳаллий фауна ва флора билан танишишга, айниқса, талаб катта. Ҳудудда 30 та филли питомник бор. Ҳар бир филга 3 та ходим бириктириб қўйилган. Ҳудуд текислик-тепалик ерда жойлашган. Бу ерда 50 тур балиқ, қора тимсоҳ, каркидон, фил, кийик сақланади, дарахтларнинг 400 дан ортиқ тури ўсади, орнитофаунанинг 125 дан ортиқ тури, капалакларнинг 300 тури бор²⁰. Кўриниб турибдики, бу каби омиллар табиат туризми ва экологик туризм ишқибозларини ўзига жалб қилади.

“Похара” табиий ҳудуди тоғли ерда жойлашган. Ҳудуд игнабаргли ўрмон билан банд, ўт қоплами папоротникдан иборат. Туристлар бу ерда 2,0 минг метргача баландликка кўтарилишиб, Манасулу ва Анапурке чўққиларини (баландлиги 8228 м.) суратга туширишади. Туристлар учун аҳоли яшайдиган

²⁰Ушбу маълумотлар Ғарбий Тянь-Шань биоранг-баранглигини сақлаш бўйича ТАСИСнинг давлатлараро лойиҳаси доирасида ташриф буюрган Угам-Чайхал давлат миллий табиий парки (Тошкент вилояти) бош директори биринчи ўринбосари Э.Саримсоқовдан олинди.

пунктларгача тошлок сўкмоқли маршрутлар ташкил қилинган. У ерда кичик меҳмонхона ва ресторанлар бор²¹

Туризмнинг бошқа шакллариغا нисбатан экотуризмнинг атроф-муҳитга салбий таъсири камроқ. Бундан ташқари, туристлар учун қизиқарли бўлган, алоҳида кўриқланадиган табиий ҳудудлар ўз бюджетларининг бир қисмини туризмдан тушадиган маблағлар ҳисобига қоплашлари мумкин. “Маҳаллий ҳамжамият + табиий ҳудуд + туризм” лойиҳасини қўллаб-қувватлайдиган хомийлар ва нодавлат ташкилотлари бундан қисман ўз-ўзини молиялашга эришишлари ва рағбатлантиришлари лозим. Албатта, экологик йўналишдаги туристик маҳсулотларни тайёрлашда маҳаллий ҳамжамиятларда ҳам, туроператорлардан ҳам турли даражадаги қийинчиликлар пайдо бўлади. Шу муносабат билан ҳар хил хусусиятларга эга бўлган ва турли тазйиқларга учрайдиган алоҳида кўриқланувчи табиий ҳудудларда экологик туризмни ривожлантиришнинг одатда, икки моделини халқаро экспертлар таклиф қилади. Булар: “А” модели–назорат қилинмайдиган табиат туризми, “В” модели–кичик кўламли экотуризм.

“А” типдаги ривожланиш моделида “В” типдаги моделдагига нисбатан кўпроқ табиий турли-туманлик ва ҳаммабоплик кўзда тутилади. Бундан ташқари, биринчи модель туристик маршрутларни ташкил қилувчилар учун кўпроқ даромад келтиради. Лекин бунда шуни ҳисобга олиш керакки, бу амалда назорат қилинмайдиган туризм жойнинг экологиясига анча салбий таъсир кўрсатади, маҳаллий аҳолининг турмуш тарзи ва урф-одатларини ўзгартиради. “В” типдаги модель биологик турларнинг сақланиши ва уларга салбий таъсир кўрсатмаслиги туфайли бу модель афзалроқ ҳисобланади. Лекин у ҳам туроператорлар ва маҳаллий аҳоли учун унча катта даромад келтирмайди. Фикримизча, Ўзбекистон учун ҳам бу модель афзалроқ.

Туризмнинг Глобал ахлоқ кодексида қайд этилганидек, “Туристик сиёсат шундай амалга оширилиши керакки, у ташриф буюриладиган ҳудудларнинг

²¹Ўша манба

аҳолиси турмуш даражасини оширсин ва уларнинг эҳтиёжларига жавоб берсин; туристик марказларни шаҳарсозлик ва меъморлик жиҳатдан режалаштириш ва улардан фойдаланишда маҳаллий ижтимоий-иқтисодий муҳитга максимал интеграцияни кўзда тутилсин; ҳамма шарт-шароитлар бир хил бўлгани ҳолда, биринчи навбатда, маҳаллий ишчи кучини ёллаш имконияти қидириб топилишга асос бўлсин»²².

Экотуризмнинг ривожланиши мамлакат иқтисодий-ижтимоий ҳаётида муҳим аҳамият касб этмоқда. У иқтисодиётни ривожлантириш билан бирга маҳаллий аҳолининг бандлигини таъминлаш, шу орқали турмуш даражасини яхшилаш, хорижий туристларни жалб қилиш, юртимизни дунёга танитиш, қадимий шаҳарларимиз ва тарихий ёдгорликларимизни асраб авайлаш каби хайрли ишларга салмоқли ҳисса қўшиш имкониятини кенгайтиради.

Ватанимизнинг экотуризмга боғлиқ, бетакрор гўзал табиати, ўзига хос ландшафти, хилма-хил ноёб ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, нодир, жаҳоншумул аҳамиятига эга бўлган археологик топилмалари, полеонтологик қолдиқлар, ер юзида кам учрайдиган геологик кесимлар, юзлаб табиий ёдгорликлари хорижликлар эътиборини тортиши табиий.

Ўзбекистоннинг муҳофаза этилаётган ҳудудлари таркибида 2164 км² майдонни эгаллаган 9 та давлат қўриқхонаси, 6061 км² майдонни ишғол этган 2 та миллий боғ ва ноёб турларга кирувчи ҳайвонларни кўпайтириш Республика маркази (“Жайрон” экомаркази), 12186 км² майдонга эга 9 та давлат буюртмахоналари мавжуд. Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларнинг умумий майдони 20520 км², ёки Ўзбекистон ҳудудининг 5,2 % ини ташкил этади².

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримов Сингапур Республикасига Давлат ташрифи арафасида шу мамлакатнинг марказий нашрларидан бири – “TODAY” (“Бугун”) газетаси мухбирининг саволларига берган жавобларида таъкидлаганидек, “Гўзал географик ва табиий шароитлар республика ҳудудида экологик туризмни ривожлантириш учун ғоят қулайдир.

²²Глобальный этический кодекс туризма.г.Сантьяго, Чили, 1 октября 1999 года.

²“Ўзбекистонда экотуризмни ривожлантириш концепцияси” Экология хабарномаси. // №6 2007 йил 7-бет.

Бу борада мамлакатнинг тоғли ҳудудларида жойлашган, замонавий жиҳозланган сайёҳлик мажмуаларида қишки ва ноёб сайёҳлик дастурлари ташкил этилган. Сайёҳликнинг янги йўналиши – йирик кўриқхоналар ва боғлар ҳудудида ташкил этилган табиатшунослик туризми ривожланмоқда. Туризм инфратузилмаси жадал ривожланмоқда, янги меҳмонхоналар, сайёҳлик йўналишлари ташкил этилди. Улар халқаро сайёҳлар учун кенг кўламли хизматларни таклиф этишга тайёр”³.

Ўзбекистон Марказий Осиё ҳудудидаги давлатлар орасида катта экотуристлик имкониятларга эга ва бу борада рақобатбардошлиги юқори мамлакат. Бироқ, Республикада бу имкониятлардан тўла-тўқис фойдаланиш омиллари мукамал ишлаб чиқилмаганлиги туфайли ҳудудга туристлар келиб-кетиши қабул қилиш салоҳиятига нисбатан бир неча баробар кам. Таъкидлаш керакки, бунга жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг халқаро туризмга кўрсатаётган салбий оқибатлари ҳам сабаб бўлмоқда. Дарвоқе, инқироз шароитида халқаро туристлар ҳаракати ҳам маълум даражада чегараланмоқда. Бундай шароитда мамлакат иқтисодиётини барқарор ривожлантириш учун Президент И.Каримов таъбири билан айтганда, «... хизмат кўрсатиш ва кичик бизнес соҳасини аҳоли бандлигини таъминлаш ва ҳаёт даражасини оширишнинг энг муҳим омили сифатида янада жадал ривожлантириш-устивор вазифа» бўлиб қолиши лозим⁴.


Дарҳақиқат, иқтисодий инқироз шароитида мавжуд туристик ресурслардан максимал даражада фойдаланиш ва аҳолини янги иш ўринлари билан таъминлаш хизмат кўрсатиш, хусусан, меҳмондустлик индустриясининг ҳам долзарб вазифалардан биридир. Чунки, ҳозирги даврда у мамлакат иқтисодиётининг ажралмас қисми бўлиб, жаҳон хўжалик тизимида янада жипслашув имконини беради. Шу боис Ўзбекистонда меҳмондустлик индустриясини

³“Мафтункор ва бетакрор Ўзбекистон” “Халқ сўзи” газетаси, // Тошкент, 2007 йил 26 январ, №19.

⁴Каримов И.А.. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқироzi, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. –Т.: Ўзбекистон, 2009. -46-б.

ривожлантиришни янги босқичга олиб чиқиш саъий-ҳаракатлари тобора кучайтирилмоқда.

Ўзбекистон шароитида меҳмондустлик индустриясини барқарор ривожлантириш да жаҳон аҳамиятига эга бўлган Миллий боғларнинг фалояти куйидаги мисолларда аниқ ифодаланган. Республикамизда 2та жаҳон аҳамиятдаги Миллий боғлари мавжуд. Улар Угом Чотқол боғи ва Зомин миллий боғларидир.



Зомин миллий боғи Тянь Шанг тоғининг Туркистон тизмасида жойлашган булиб, унинг энг баланд чуққиси 4030 метрни ташкил этиб, унинг номи Шакартау деб аталади. Ундан кейинги баланд чуққиси 3925 метр булиб номи Искандар ва кичиги 3925 метр Кобур номи билан аталади.



Зомин миллий боғи 1975 йилда ташкил этилган булиб,майдон катталиги 21735 гектарни (га) ва умумий қўриқхона худуди 31500 га ни ташкил этади.



Зомин миллий боғи арча-тоғли экотизимни яни,табиат рекреацион захираси сақлаш мақсадида ташкил этилган.Арчали урмонлар хавони гегиеник тозолаб

туради.Шу сабабли хавода туйинган кислород учиб юради.Бир гектар арча урмони 1 кеча кундузда хавога 30кг фитоцед чиқаради,бу тоза хавога 25000-30000 ахолига бемалол етади дегани.



Зомин Шаршараси



“Зомин миллий боғи” Зоминтумани марказидан 25 км узоқликда жойлашган ва Жиззах шаҳридан 55 км узоқликда жойлашган дир. Ўзбекистон туристик маркази ҳисобланмиш Самарқанд шаҳридан 160 км ва пойтахтдан 240 км узоқликда жойлашган.



“Угом-Чотқолмиллий табиат боғи” 1990 йилда ташкил этилган. Географик жихатдан Тошкент вилоятининг шимолий – шарқий қисмидаги Фарбий Тянь–Шан тоғ тизмасига кирувчи тоғ ва тоғ олди зонасида жойлашган бу либ, майдон катталиги 574590 гектарни эгаллайди.



Миллий боғ ва базиларга қараб хуудларга қараб ажратилган, яни:

- Аграпарк хууду 59.1 га;
- Фаол рекреацион хууд 30.7 га;
- Қуриланадиган хууду 35.8 га;
- Бошқарувли рекреацион хууд 13.6 га;
- Табиат ландшафтлари хууду 326.1 га;

Қуриланадиган хуудга тенглаштирилган хууд 109.1 га ни ташкил этади.

Угом-Чотқолмиллий боғининг катта қисмини бутун бир тоғли экотизим деб қаралади. Боғининг катта қисмига ташриф буйириш мумкин, яни туризм билан шуғулланиш имкони бор. Боғининг табиат билан танишиш учун энг қулай пайт бу апрел дан июл ойларидир, чунки бу пайт хар хил гуллар очиллиб жанатмакон холатни ташкил қилади.



ASIA ADVENTURES



WWW.ASAD.UZ

ASIA ADVENTURES



WWW.ASAD.UZ



Туристларалохидақизиқиш билан Чотқол водийсига қарашади.Буводий Бустонлик туманига қарашлибулиб,Чорвоқ сув омбори шу водийдажойлашганбулиб,бусув омбори йилнинг хар қайси пайтида хам чиройлидир.Кулқирғоклари яқинида Замонавий меҳмонхона комплекслари ва туризм учун етакчи инфратузилмалар мавжуддир.




Миллийбоғинингэнг баланд чуққиси “КаттаЧимён”чуққисидир,яни3009 метр. Чимёнчуққилари ноябр ойидан июл ойигача қор билан қопланади.Туристлар ва Ўзбекистонликлар Чимённинг тоғ чанғли курортини ёқтиришади.



Чимён тоғ чанғли курортдансалнарироқда яни 6км пастроқда яня биртоғ чанғли оромгоҳ жойлашганбулиб,унингномиБилдирсойдир.Буоромгоҳ узиниг 3км ли тоғ чанғси билан машхурдир.



Ski slopes and avalanche danger areas in Chimgan ski resort



Рафтинг Спорт билан шуғулланиш буйича жуда кўп имкониятлар булиб, унда қайиқ, байдарка ва катамаранда жушқин оқиб турган дарёлар (Угом, Пском, Чотқолва Ойган) орқали тушиш мумкин.



Бу дарёлардан қийинчиликларни бартараф этиш учун ёки узларини синаб куриш учун спортчи-рафтингчилар фақатгина яқин малакатлардан эмас балки Овropa, АҚШ ва Япония давлатларидан келишади.



3.3. Туристларнинг ҳаёти хавфсизлигини таъминлашга қаратилган суғурталаш жараёнлари

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Сайёҳлик ташкилотлари фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш тўғрисида» ги қарорига мувофиқ қуйидаги ҳолатлар туристларнинг ҳаёти хавфсизлигини таъминлашга қаратилган:

- хавф-хатар манбалари бўлган ҳудудларга чет эллик сайёҳларни олиб чиқишларидан олдин, Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг тегишли бошқармаларидан бахтсиз ҳодисалар ёки хавф-хатарлар келиб чиқиши мумкин бўлиши ёки бўлмаслиги юзасидан тегишли маълумотлар олиш;
- рухсат этилган хавфсиз йўналишлар бўйича Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг тегишли ҳудудий бошқармаси билан келишилган ҳолда белгиланган хавфсиз йўналиш бўйича сайёҳат қилишни таъминлаш;
- белгиланган йўналишнинг хусусияти ва сайёҳларнинг ҳатти-ҳаракатига боғлиқ ҳолда юзага келиши мумкин бўлган хавф-хатар манбалари ҳақида уларнинг ўзини хабардор қилиш ва хавфсизлигини таъминлаш;
- қабул қилувчи туристик ташкилот чет эл сайёҳлари билан хавфсизлик чораларига риоя этишлари, Ўзбекистон Республикасида бўлиш тартиби, экологик хавфсизлик талаблари, миллий урф-одатларга ҳамда санитария-гигиена қоидаларига амал қилишлари тўғрисида тегишли тушунтириш ишларини ўтказди.

Бахтга қарши, кўпгина фуқароларимиз, «яхши бўладига» ишониб, туристик ташрифлар олдидан кўнгилли суғурталаш хизматидан фойдаланишга шўшилмайдилар. Бизнинг фуқоралар ҳар қандай суғурта турига ҳам ишончсиз муносабатда бўладилар, гуёки пул тўлаб ҳеч қандай натижа бўлмаганидек, ишончсизлик билан салбий муносабатда бўладилар. Шунга қарамасдан агар бошқа мамлакатга туризм мақсадларида ташриф

буюришга отланиб турган немис, француз ёки америкалик туристдан сўралса, у энг аввало суғурта полисини харид қилишини айтади.

Чет элга чиқувчи турист ҳар қандай ҳолатда фавқулодда вазиятларга дуч келади: иқлим ўзгариши, сувнинг кимёвий таркиби, овқатланишни бошқача тартиби ва кўпинча бошқа ўзгаришлар ўз салбий оқибатларини олиб келиши мумкин.

Сўнгги йилларда яна бир нечта салбий тенденциялар юзага келди: биринчидан, дунё бўйича қатор сурункали касалликларга эга бўлган ёши ўтиб қолган кишилар фаол тарзда ҳаракатлана бошлади. Улар қоидага кўра, айнан улар учун тўғри келмайдиган иқлимли давлатларга сафар қилишга интиломқдалар. Кўпгина қариялар дунёни нариги чеккасида, масалан, АҚШ ва Исроилдаги ўз фарзандлариникига ташриф буюришда узок муддатли парвоз, иқлим ҳамда овқатланишни ўзгариши ёши ўтган қариялар учун ўзининг салбий натижасини кўрсатмасдан қолмайди.

Яна бир муаммо – дам олишда кичик ёшдаги болаларни олиб юриш урф-одат тусига кирмоқда. Туристлар ҳанузгача дам олишда ўзлари билан 2-3 ёшли фарзандларини, баъзи ғайратли ота-оналар хатто эмизакли гўдаклари (чақалоқлари) ни эмламасдан саёҳатга олиб чиқмоқдалар. Мазкур ҳолат чақалоқлар учун мақбул яшаш шароитлари ҳамда озуклантириш имкониятлари мавжуд бўлган беш юлдузли меҳмонхоналарга йўлланмалар харид қилинган бўлса, ижобий натижага эришиш мумкин. Аммо икки-уч юлдузли пансионлардаги шароитларда гўдаклар учун имкониятлар мавжуд эмас. Суғуртачилар билан тўқнаш келадиган муаммолардан яна бири гуруҳ кузатувчиларини тажрибасизлиги ҳисобланади. Таасуфлар бўлсинки, ҳанузгача суғуртани қўшимча юклама деб ҳисобловчи туристик агентликлар билан дуч келинмоқда. Бундай агентликларнинг ходимлари суғурта хизматларини тўғри сотиш қобилиятини етарли даражада баҳоламаслик туфайли мижозлар олдида кўп нарса йўқотмоқдалар. Бунинг устига, ўз мижозларига номақбул суғурта компаниясининг полисини сота туриб, фирма ўз молиявий ҳолатини бўлажак ҳодисаларга боғлиқ қилиб қўйиши мумкин.

Аксинча суғуртага ва суғурталовчини танлашга онгли муносабат, сўзсиз туристик фирмага бал қўшади ва унинг бюджетидаги пул маблағларини сақлаб қолади.

Туристтик фирмалар худди юридик шахслар каби суғурта компанияларини хизматларидан фойдаланилади. Аммо туризм бизнесида мажбурий ва кўнгилли суғурталашнинг қўшимча турлари амал қилади.

Туризм тизимида суғурталаш кўйидаги турларга таснифланади:

- туристни ва унинг мулкни суғурталаш;
- туристик фирмалар таваккалчилигини суғурталаш;
- туристларни чет эл ташрифларини суғурталаш;
- чет эл туристларини суғурталаш;
- фуқаролик жавобгарлигини суғурталаш;
- автотранспорт воситаларининг эгаларини фуқаролик жавобгарлигини суғурталаш;
- тиббий ҳаражатларни қоплаб, бахтсиз ҳодисалардан суғурталаш.

Суғурталаш ихтиёрий ва мажбурий суғурталарга бўлинади.

Суғурталашни мажбурий турига фаолиятдаги ҳужжатларга мос равишда кўйидагилар киради.

- автотранспорт воситалари ҳайдовчиларининг фуқаролик жавобгарлигини суғурталаш;
- транспорт саёҳатларини суғурталаш.

Туристларни суғурталашни қолган турлари ихтиёрий ҳисобланади. Туристни ва унинг мулкни суғурталаш туристлар мулкни йўқолиши ёки зарар етиши учун жавобгарликни ўз ичига олади. Бундай шартноманинг ҳаракати суғурталанувчини доимий яшаш жойидан чиқиб кетиш вақтидан бошлаб, унинг қайтиш даврида тугалланади. Бундай шартнома бўйича туристлар ўзлари билан бирга олган шахсий ва туризмга оид тегишли мулкларини суғурталаш мумкин. Юк деганда туристни қайд қилинган ва қайд қилинмаган нарса-буюмлари тушунилади. Бундан ташқари унинг устидаги мавжуд

кийими ҳамда чет эл ташрифи давомида харид қилинган нарса-буюмлари суғурта қилинади.

Суғурта жавобгарлигининг турлари: авария, ёнғинлар, портлаш, табиатнинг бахтсиз ҳодисалари, ўғирлик, зарар етказиш ва бошқа атайлаб ҳамда онгли тарзда ҳаракатлар, ҳарбий ҳаракатлар ва ҳоказолар.

Туристтик фирмалар таваккалини суғурталаш ўз ичига молиявий таваккални, туристларни уларни қариндош уруғларини учинчи шахс олдидаги даъволари бўйича жавобгарликни ўз ичига олади.

Молиявий таваккаллар қаторига қўйидагилар киради:

- тижорат таваккали (тўловни амалга оширмаслик ёки кечиктириш, форс-мажор ҳолатларидаги шартномани бузилиш вазиятларини тан олинмаганда контрагентнинг жарима санкциялари;
- фирманинг банкротга учраши;
- божхона қонунларини, валютани тартибга солиш, паспорт назорати ва бошқа божхона расмиячилигининг ўзгариши;
- форс-мажор ҳарактерига эга бўлган ҳаракатларни юзага келиши;
- сиёсий таваккалчилик ва бошқалар.

Қоидага кўра, чет эл туристик ташрифларида туристларни суғурталаш ўз ичига қўйидагиларни олади:

- чет эл ташрифи даврида тўсатдан касал бўлганда ёки бахтсиз ҳолатларда туристга биринчи тиббий тез ёрдам кўрсатиш;
- тегишли тиббий назорат остида уни сифатли даволашга қодир бўлган яқин атрофдаги шифохонага элтиб қўйиш;
- ишончли тиббий назорат остида туристни доимий истиқомат қиладиган давлатга қайтариш;
- шифохонадаги назорат ва унинг оиласини бу тўғрида огоҳлантириш;
- агар тиббий препаратларни шу жойда топиш имконияти бўлмаса унга етказиш;
- шифокор – мутахассиснинг маслаҳат хизматлари (зарурат бўлганда);

- бетоб бўлиб қолган туристни ёки унинг жасадини у доимий истиқомат қиладиган мамлакатга элтиш бўйича транспорт харажатлари тўлови;
- турист мулкани ватанига қайтариш;
- чет элдаги фуқаролик ва жиноий ишларни тергов қилишда туристга ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш.

Суғурталаш шартномасини тузишда суғурта суммаси белгиланган мамлакатга мос равишда танланади ва минимал қоплаш заруриятига боғлиқ равишда гуруҳланади.

Ҳозирги кунда туристик суғурталаш хизматини икки шакли амал қилади: **компенсацияли ва сервисли.**

Биринчи шакли Ватанига қайтгандан кейин компенсациялаш шарти билан барча тиббий харажатларнинг тўлови турист томонидан копланеди. Бу жуда ноқулай вазият ҳисобланади, чунки бетоб бўлиб қолганда ва бахтсиз ҳолатларда асқотадиган маълум миқдордаги суммани турист ўзи билан доимо бирга олиб юришни тақозо этади.

Сервисли туризмни суғурталашда суғурта компанияси билан тузилган шартнома ёки битим тузиб, кўрсатилган диспечерлик хизматларидан бирига телефон қилиш ҳамда ўз полис номерини ва фамилиясини хабар қилиш етарлидир, ҳалокатга учраганларга компания шу тарзда зарурий ёрдам кўрсатади.

Фуқаролик жавобгарлигини суғурталашда юқори ҳавфли манба бўлиб ҳисобланган шахсий автомабиллар, мотоцикллар ёки бошқа транспорт воситаларида саёҳат қилувчи туристлар фойдаланилади. Суғурталашни бу тури суғурта объекти бўлиб учинчи шахс олдида суғурталанувчини жавобгарлиги ҳисобланган ҳолатларда қўлланилади.

Чет элда турист билан бахтсиз ҳодисаларга қарши суғурталаш одатда суғурта суммаси шартномасида келишилган чегара асосида олиб борилади. Уни қоплаш қўйидагича амалга оширилади:

3 гуруҳ ногиронларига – суғурта суммасининг 50 % миқдорида

2 гуруҳ ногиронларига – суғурта суммасининг 75 % миқдорида

Ҳалок бўлганда – суғурта суммасининг 100 % миқдорида тўланади

Ташриф амалга оширилмаганда турист харажатларини суғурталаш қўйидаги сабаблар бўйича ташрифни амалга ошириш имконияти бўлмаган бўлса суғурта суммаси шартномасида келишилган асосда тўлиқ ёки қисман тўланади:

- турист тўсатдан соғлиғи ёмонлашса ёки унинг оиласидан яқин қариндошларидан бири ёхуд ўзи вафот этса;
- турист мулкига атроф муҳит ёки учинчи шахс таъсири натижасида зарар етказилса;
- ташриф буюришга мўлжалланган даврда туристни суд ажримларида иштироки;
- ҳарбий мажбуриятни бажариш учун чақирилса;
- ҳужжатларни расмийлаштириш бўйича талабларни бажаришда ташриф рухсатномасини (виза) олмаса;
- шартномада кўрсатилган бошқа сабаблар бўлса.

Юқоридагилардан хулоса қилиб, тажрибага эга бўлган турист суғурта компанияси билан суғурта шартномасини тузишдан олдин қўйидаги масалалар билан танишиб, қизиқиб кўриш мақсадга мувофиқдир:

- мазкур суғурта ташкилоти чет эл компаниялари билан ҳамкорликда ишлаш тўғрисидаги шартномага эгами?
- чет эл шериклари томонидан ўзбек туристларига қандай хизматлар, қанақа шартномаларда кўрсатилади?

Шахсий автомобилида чет элга ташриф буюрганда «яшил карта» деб номланувчи суғуртанинг ўзига хос тури расмийлаштирилади (Шарқий Европа давлатларида «кўк карта»). Бу суғурта «яшил карта» тўғрисидаги шартномага аъзо (давлатлар ҳудудида кучга эга ҳисобланади. Бу давлатлар барча Европа ва қатор Шарқ давлатларидир, мазкур давлатларга «яшил карта» сиз туристлар қўйилмайди.

«Яшил карта» – агар турист йўл транспорт ходисасида айбдор бўлиб ҳисобланса, учинчи шахс ҳаёти ва мулкига етказилган зарарни суғурталашдир. Тиббий полисга ва қўшимча тарзда турист «автомобил аттестацияси» ҳайдовчига ёрдам суғуртасини расмийлаштириши мумкин, унда машина бузилгандаги ҳаракатлар, йўл транспорт ходисасида, касаллик туфайли машинани бошқара олмаслик (суғурта компанияси ҳайдовчи тақдим этади) ремонт (таъмирлаш) шатакка тортиш ва ҳ.к.лар қайд этилади. Саёҳатларни суғурталашни асосий турларини туристларга турли имкониятлар берувчи суғурта бадаллари таърифини уч вазиятига эга бўлган «Travel Guard Gold ® Int» Америка суғурта компанияси мисолида кўриб чиқамиз.

1- вариант. Суғурталавчилар фикрига кўра тур нархи 200 долларигача давомийлиги 8 кунгача бўлган турлар учун идеал ҳисобланади. Суғурта бадалларини энг кам нархлари мавжуд: 1 киши учун – 19 долл., 2 киши – 38 долл., 3 киши – 57 доллар. Бу таърифлар тур давомийлиги 8 кунгача бўлган саёҳатларга жорий этилади. 8 кундан ортиқ бўлса – саёҳатни қўшимча ҳар бир куни учун яна 3 доллар қўшилади. Мазкур вариант қўйидаги ҳолатларда суғуртавий қоплашни кафолатлайди: саёҳатдан воз кечилса, ижарага олинган машина таъмирланса, оилада ўлим ҳолати кузатилса ва бошқа саёҳат туристни айби бўлмасдан кечиктирилса ва юқини олиш кечиктирилса – энг паст таърифлар бўйича амалга оширилади.

2- вариант. Тур қиймати 400 долларгача, давомийлиги 13 кунгача бўлган саёҳатлар учун тўғри келади. Суғурта бадалининг нархи: 1 киши учун 39 доллар, 2 икки кишига 78 доллар, 3 кишига 117 долларни ташкил этади. Агар саёҳат 15 кундан ортиб кетса қўшимча ҳар бир куни учун яна 3 доллар тўланади. Бу вариант янада юқори суғурта тўловларини кафолатлайди.

3- вариант. Туризм круизлари ва саёҳатларининг баҳоси 400 доллардан ортиқ турлар киради. Бадал суммаси саёҳатнинг умумий нархидан 8% сифатида ҳисобланади. Шу сабабли бу вариантга 1 ва 2 вариантларда кўрсатилган барча суғурта тўловларини энг юқори таърифлари берилган

полис асосида қайтарилади: туристик компания ва авиалиниялар, бажарилмаган ташрифларни, банкротлик ҳаражатларидан; саёҳатда тиббий ёрдам ва шифохонага ётқизиш; ҳужжатлар, юклар йўқолганда, авиацияда фавқулодда тиббий ёрдам кўрсатилган ҳолларда.

Кредит карточкалари ўз молиявий фаолият доирасини кенгайтира бориб, саёҳатлар суғуртасини ҳам ўз ичига олади. Бундай суғурталаш «Америкен эспресс», «Виза», «Дайперс» ва «Еврокард/Мастеркард карточкаларини тақдим этади.

«Америкен эспресс» икки хил карточкаларни тақдим этади: яшил ва олтин.

Яшил карточка, агар ташриф буюриш чиптаси карточка бўйича харид қилинган бўлса ногиронлик ёки вафот этиш ҳолати кузатилса 1 млн. доллари миқдорида суғурта товон пули тўланади. Тиббий ёрдам кўрсатишга қўшимча суғурталаниш мумкин, бундай суғурта баҳоси 450 доллар.

Олтин карточка суммаси 2 млн. доллар миқдорида суғурталашни баҳолайди, фуқаролик жавобгарлиги, саёҳат ҳаражатларини самолётларни кечикиши, рейсларни бекор қилиниши, алоқаларни мавжуд бўлмаслиги мазкур ҳолатларда етказилган маънавий зарар учун компенсация тўланади, юклар (карточка бўйича амалга оширилдиган харидлар шаклида компенсация тўланади), тиббий ва техник ёрдам (Ватанга жўнатиш таклиф этилади, чет элдаги барча тиббий ҳаражатлар 25 минг доллар миқдорида қоплаш), ҳуқуқий ёрдам, жиноий гаров кафолати.

Суғурта компанияси билан шартнома тузишдан олдин миждозга қўйидаги ҳаракатларни бажариш тавсия этилади:

1) Таъсис ҳужжатлари билан танишиш: устав, рўйхатга олинганлик тўғрисидаги гувоҳнома билан, лицензия (рухсатнома) билан (компания бундан ташқари «чет элга чиқувчи фуқароларни суғурталаш каби суғурталаш тури билан ҳам шуғулланадими), ўтган йил ва сўнгги чорак учун баланс билан ҳамда аудитор текшируви натижалари билан ҳам таништирилади.

- 2) Таъсисчилар рўйхати ва низом жамғармасини таҳлил қилиб чиқиш талаб этилади.
- 3) Балансни ўрганиш, аммо компанияни ҳақиқий молиявий ҳолати тўғрисида аниқ тасаввурга эга бўлиш учун суғурта компанияси балансининг таҳлилини ўтказиш учун етарли билим, тажриба ва кўникмага эга бўлиш керак.
- 4) Телефон бўйича (Молия вазирлигининг суғурта назорати Департаменти билан алоқа қилиш ва олинган барча маълумотларни қайта текшириб кўриш керак).
- 5) Суғурта дастури билан танишиш. Минимум – дастур бахтсиз ҳодисалардан ҳаётни, тиббий ҳаражатларни суғурталашни ўз ичига олади. Ташкилотларда мижозлар учун қўйидаги оптимал тўплами қўлланилади: тиббий + бахтсиз ҳодисалар + юкларни суғурталаш + ташрифни амалга ошириш имконияти бўлмаслиги («ташриф буюрмаслик» дан суғурталаш).

Хулоса ва таклифлар

Меҳмондўстлик ва туризм индустрияси иқтисодиётнинг жадал ривожланиб бораётган соҳаларидан бири бўлиб ҳисобланади. Ҳозирги вақтда меҳмондўстлик ва туризм индустрияси улушига жаҳон ялпи миллий маҳсулотининг 5%и тўғри келмоқда.

"Меҳмондўстлик индустрияси" тушунчаси шунчалик кўп кирралики унга мос равишда "Меҳмондўстлик" тушунчасига ҳам аниқлик киритиш анча мураккаб масаладир. Ишда қатор хорижий ва ўзимизнинг олимларимиз тамонидан берилган тарифлар урганилди, шулар асосида бизнинг ҳам фикримизмеҳмондўстлик - туристик маҳсулотнинг муҳим истеъмол хусусиятларидан бири бўлиб, у мижозга хурмат, унга илтифот кўрсатиш, меҳмоннинг ушбу ерга ташриф буюрганлигидан хурсандлиги, ҳамда ўз миннатдорчилигини намоиш қила олиш қобилияти билан белгиланади, деб ҳисоблаймиз.

Туризмга оид адабиётларда «туризм ва меҳмондўстлик индустрияси» термини кенг қўлланилиб келинмоқда²¹. Унда эътироф этишилича меҳмондўстлик туризмга нисбатан кенгрок ва умумий тушунча, деб қаралмоқда. Чунки, унинг вазифаси нафақат туристларнинг эҳтиёжларини, балки барча истеъмолчилар эҳтиёжларини кондиришга қаратилган, дейилмоқда. Бизнинг фикримизча, туризм ва меҳмондўстликни айри холда қараб бўлмайди. Шу туфайли меҳмондўстлик индустриясини ҳам алоҳида қуриб чиқиш мумкин эмас. Чунки туристлар ҳам саёҳат мақсадига боғлиқ равишда ўзига хос эҳтиёжларга эга бўлган истеъмолчилар ҳисобланади.

Барча луғатларда “меҳмондўстлик” тушунчаси меҳмонларни тақаллуф кўрсатиб очиқ чехра билан кутиб олишни англатади.

²¹ Туризм и гостиничное хозяйство. Учебник / Под ред. проф., д.э.н. А.Д. Чудновского. — М.: Ассоциация авторов и издателей «Тандем». Издательство ЭКМОС. 2001, - 400 с.

Меҳмондўстлик – бу тараққиётнинг тушунчаларидан бири бўлиб, вақт ва ривожланиш туфайли у миллионлаб тажрибали ходимлар фаолият кўрсатиб, туристлар (хизмат истеъмолчилари) учун янада сифатли хизматларни таклиф этувчи кудратли индустрияга айланди. Меҳмондўстлик индустрияси кишиларнинг турли фаолият соҳаларини – туризм, дам олиш, кўнгилчоғлик, меҳмонхона ва ресторан бизнесини, умумий овқатланишни ҳамда экскурсия фаолиятини, турли илмий конференциялар ўтказишни ва кўргазмалар ташкил этишни ўз ичига олади²².

Шундай қилиб, бизнинг фикримизча меҳмондўстлик индустрияси – бу меҳмонларни қабул қилиш ва уларга хизмат кўрсатиш билан боғлиқ бўлган хизматлар бозорига ихтисослашган умумий овқатланиш, жойлаштириш, ташиш ва дам олиш бўйича барча хизматларни ўз ичига олувчи тушунчадан иборат экан.

«Ўзбектуризм» Миллий компаниясининг маълумотларига кўра ташриф буюраётган туристлар сонининг йилдан йилга ошиши Ўзбекистонда меҳмондўстлик индустриясининг барқарор ривожланишидан далолат беради. Бунинг тасдиғи сифатида 2013 йилда мамлакатимизнинг Хоразм, Сурхандарё, Тошкент ва Қашқадарё вилоятларида умумий қиймати 260 млн. долларни ташкил этувчи туризм соҳасини ривожлантириш дастурлари қабул қилинди.

Ишда бугунги кунда жаҳон меҳмондўстлик индустриясини ривожлантиришнинг асосий тенденциялари кўриб чиқилган.

Хулоса ўрнида шуни кайд қилиш керакки, жаҳон амалиётида меҳмон дўстликнинг тўртта модели мавжуд экан.

Европа модели «юкори парвоз»ва юкори нуфузли меҳмондўстлик намоён бўлади. Бундан ташқари европа меҳмонхона бозори янада кенг тарқалган ва ривожланган ҳисобланади. Европа меҳмондўстлигининг фарқ килувчи жиҳатлари қуйидагилардир.

Меҳмондўстликнинг Осиё модели европа моделидан тубдан фарқ қилади. Бу эса осиеликларнинг дабдабали ва хашаматга интилиши, куз куз қилинадиган бойлик

²²Пардаев М.Қ., Халикулов А.Н., Х, А.Рахимовларнинг "Меҳмонхона хужаликларида самарадорликни ошириш муаммолари" номли монографияТ.: "Иктисодиёт" нашриёти, 2013. — 44 бет..

ва ёқтиришида ўз аксини топади. Айнан Осиёда дунёнинг энг баланд ва энг хашаматли дабдабали отеллари жойлашган. Агар хашаматли корхоналар категорияси уларнинг сиғимига тескари пропорционал бўлса, Осиёда, эса бунинг аксини курса бўлади.

Меҳмондўстликнинг Америка модели ҳам Европа моделлари ҳам Осий моделларининг турли жиҳатларига эга. Масалан, Американинг йирик шаҳар марказларида Европа меҳмонхоналарига мос талабларга жавоб берувчи “люкс” классли отеллар кўп тарқалган. (стили унча катта бўлмаган хоналар, индивидуал хизмат кўрсатиш). Бошқа тамондан мамлакатнинг асосий курортлари ва туристик марказлари, осийдаги отелларнинг ички ва ташқи кўринишини эслатувчи кўриниш касб этади. (сиғимининг катталиги, дабдаба-хашаматли, улкан ривожланган инфратузилма).

Меҳмондўстликнинг шаркий-европа модели совет давридаги меҳмондўстлик индустрияси корхоналарининг каттагина улуши сабабли европа моделидан алоҳида ажралиб туради. Хамда европа моделига ҳам осий моделлари учун хос бўлган отеллар кушничилиги билан хам фаркланади.

Меҳмондўстлик индустриясининг ўсишида айнан туристик талаб ва таклифлардаги сифат ўзгаришлари, сўнги ўн йилликда халқаро туризмнинг ривожланишини белгилаб берди. Ғарбий Европа давлатлари туристик талабида янги тенденциялар пайдо бўлди.

Меҳмонхоналар меҳмондўстлик индустриясини ривожлантиришнинг асосий бўғини ҳисобланиб бу соҳа туризмдаги асосий хизматлар мажмуасини ўз таркибига мужассам қилади.

Самарқанд шаҳридаги меҳмонхоналарда туристларни кутиб олиш ва кузатиб қўйишнинг самарали усуллари миллий меҳмондорчилик анъаналарни қўллаш билан амалга оширилмоқда.

Самарқанд шаҳридаги меҳмонхоналарда хизматлар сифатини яхшилаш ва самарадорлигини оширишда туристларни бўш вақтларда миллий маданиятимиз, халқимизнинг қўл хунармандчилиги, миллий ўйинлари, урф-одатлари, тўй маросимларига, таклиф қилиш ва мазмунли ўтказиш энг қулай усуллардан

фойдаланиш тавсия қилинади. Шу билан бирга меҳмонхона хўжалигидаги хизматларнинг яхшиланиши нафақат хизматлар кўрсатишда балки, меҳмонхона ходимларининг юқори малака ва билимларда эга бўлишини талаб қилмоқда.

Ишда меҳмонхона индустриясида бошқарувнинг самарадорлиги икки йўналишда – иқтисодий ва ижтимоий йўналишда кўриб чиқилган. Бунинг учун “Саёҳат оралиғи” кўрсаткичи тавсия қилинган. Бу, ҳар бир фуқора маълум вақт ичида ўртача неча марта сафар қилишини кўрсатади ва “Саёҳат интенсивлиги” бу кўрсаткични аниқлаш чоғида алоҳида одам эмас, балки минтақанинг барча аҳолиси эътиборга олинади. Саёҳатлар интенсивлиги халқ хўжалигида банд бўлган одамларнинг қандай қисми йил давомида саёҳатга чиққанини кўрсатади. Бу саёҳат қилувчиларнинг минтақа аҳолиси сонига фоизда ифодаланган нисбат билан аниқланган.

Меҳмонхоналардаги хизматларнинг турини кўпайтириш муаммо эмас. Лекин бу хизматларнинг таклиф қилиш ва сифатли даражада ижро этиш албатта меҳмонхоналарда хизматлар қилувчиларнинг хушмуомилалиги, очиқ чехралиги, устамонлиги, чакқонлиги ва ижрочилик қобилиятларининг юқори даражаларга етганлиги билан белгиланади.

Ҳозирги вақтда экотуристлик маҳсулотга хорижий ва маҳаллий туристлар орасида эҳтиёж катта. Мутахассислар фикрига кўра, Марказий Осиё табиат қўйнига қилинадиган сайёҳатчилар учун ўзига хос “Макка” бўлиб қолиши мумкин.

Ўзбекистон Марказий Осиё ҳудудидаги давлатлар орасида катта экотуристлик имкониятларга эга ва бу борада рақобатбардошлиги юқори мамлакат. Бироқ, Республикада бу имкониятлардан тўла-тўқис фойдаланиш омиллари мукамал ишлаб чиқилмаганлиги туфайли ҳудудга туристлар келиб-кетиши қабул қилиш салоҳиятига нисбатан бир неча баробар кам.

Жаҳонда давом этаётган иқтисодий инқироз шароитида мавжуд туристик ресурслардан максимал даражада фойдаланиш ва аҳолини янги иш ўринлари билан таъминлаш, хизмат кўрсатиш, хусусан меҳмондустлик индустриясини ривожлантириш долзарб вазифалардан биридир. Чунки, ҳозирги даврда у

мамлакат иқтисодиётининг ажралмас қисми бўлиб, жаҳон хўжалик тизимига янада жипслашув имконини беради. Шу боис Ўзбекистонда меҳмондустлик индустриясини ривожлантиришни янги босқичга олиб чиқиш саъий-ҳаракатлари тобора кучайтирилмоқда.

Ўзбекистон шароитида меҳмондустлик индустриясини барқарор ривожлантириш да жаҳон аҳамиятига эга бўлган маҳалий Миллий боғларнинг фалояти ишда батафсил кўриб чиқилган ва туризм турлари бўйича тегишли тавсиялар ишлаб чиқилган.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикасининг «Туризм тўғрисида»ги қонуни//«Халқ сўзи» газетаси, 1999 йил, 14 сентябр.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Ўрмонлар тўғриси”даги Қонуни, -Т.: 1999 й 15 апрель.
3. Каримов И.А.. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. –Т.: Ўзбекистон, 2009. -46-б.
4. Ўзбекистонда экотуризмни ривожлантириш концепцияси” Экология хабарномаси. // №6 2007 йил 7-бет
5. Общегосударственный классификатор услуг Республики Узбекистан, утвержден и введен в действие постановлением Агентства «Узстандарт» от 12 мая 2006 года, № 05.
6. Биржаков М.Б. Введение в туризм. – Издания 9-е переработанное и дополненное. – Спб.: «Издательский дом Герда», 2007. – 576 с.
7. Жукова М.А. Менеджмент в туристском бизнесе: учебное пособие. 2-е изд., стер. М.:КНОРУС, 2006. – С. 16-
8. Кабушкин Н.И. Менеджмент туризма: Учебник. 4е изд., стереотип. Мн.: Новое знание, 2004. – С. 35-36.
9. Тўхлиев Н., Абдуллаева Т. “Экологический туризм: сущность, тенденции и стратегия развития”. –Т.: Ўзбекистон, 2006. – с. 200.
10. Тухлиев Н., Абдуллаева Т. Основы безопасности в туризме. Т.: Гос.науч.изд-во Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2008. – 367 с.
11. Тухлиев И.С., Қудратов Ғ.Х., Пардаев М.Қ. Туризмни режалаштириш. Дарслик. – Т.: “Иқтисод-молия” нашриёти. 2010. – 238 б.
12. Пардаев М.Қ., Халикулов А.Н., Х, А.Рахимовларнинг "Мехмонхона хужаликларида самарадорликни ошириш муаммолари" номли монография Т.: "Иқтисодиёт" нашриёти, 2013. — 44 бет..

13. Усманова Д.К. Особенности формирования туристского продукта и перспективные направления его развития. Дис....канд.экон.наук.– С.: СамИСИ, 2009.– 157с.
14. Туризм и гостиничное хозяйство. Учебник / Под ред. проф., д.э.н. А.Д. Чудновского. — М.: Ассоциация авторов и издателей «Тандем». Издательство ЭКМОС. 2001, - 400 с.

Интернет сайтлари:<http://www.uzbekturizm.uz/>

1. www.uzbekturizm.uz<http://www.tours.ru/>
2. <http://lex.uz/uz/doc/act2008-07.html>
3. http://www.hotelline.ru/technology_article.php?news
4. <http://www.tourism.uz>
5. <http://www.tour.uz>
6. <http://www.uzdaily.uz/articles-id-17586.htm>
7. <http://samarkandtourism.uz/?p=248>
8. <http://www.un.org>